Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. № 45 (7786). 6 март, 1982 йил ✦ ШАНБА Баҳоси 3 тийин

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

Азиз хотин-қизлар!

Социалистик Ватанимизнинг шонли қизлари!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Сизларни Халқаро хотин-қизлар куни — бутун дунё меҳнаткаш хотин-қизларининг интернационал бирдамлик куни билан қизғин табриклайди ва самимий муборакбод этади!

Порлоқ, баҳордек қувончли 8-Март байрами мамлакатимизда чинакам умумхалқ байрами бўлиб қолди. Бу, социалистик жамиятнинг хотин-қизларга нисбатан чуқур иззат-ҳурматининг ёрқин ифодасидир. Бу — совет халқининг революцион курашида ва бунёдкорлик зафарларида хотин-қизлар қўшаётган ғоят катта ҳиссанинг эътироф этилишидир.

Биз бу галги байрамни Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида нишонламоқдамиз. Кўп миллатли давлатимизни қарор топтириш ва мустаҳкамлашда хотин-қизларнинг роли ғоят каттадир. Ватан ўзининг ютуқлари ва ғалабалари учун кўп жиҳатдан уларнинг фидокорлиги ва истеъдодидан миннатдордир. Гражданлар уруши йилларида ва биринчи беш йилликларнинг қурилишларида, Улуғ Ватан урушининг суронли даврида ва машаққатли тикланиш йилларида коммунист ва партиясиз хотин-қизларнинг ишлари ва жасоратлари асрлар оша сўнмайди.

Социализм хотин-қизларнинг ижодий кучларини равнақ топтириш учун уларга чинакам эркинлик ва кенг имкониятлар яратиб берди. Мамлакат экономика, фан ва маданият, маориф, соғлиқни сақлаш ва спортнинг турли соҳаларида Сизлар эришган муваффақиятлар билан фахрланишга ҳақлидир. Сизлар Ватанимиз яна ҳам бадавлат, кўркам ва бақувват бўлиб қолиши, совет қишларининг яшаш ва турмуш шароитлари яхшиланиши йўлида ҳамма жойда зўр ғайратшижоат билан астойдил ишламоқдасиз.

Барча совет республикаларининг, мамлакатдаги барча миллатлар ва элатларнинг хотин-қизлари социалистик Ватанни ривожлантиришга, қардош халқлар дўстлиги ва бузилмас бирлигини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Совет хотин-қизлари коммунизм идеалларига, улуғ Ленин партиясига астойдил содиқдирлар. Сизлар ўзингизнинг бутун ғайрат-шижоатингиз, билимингиз, меҳнатсеварлигингиз ва маҳоратингизни коммунизм қурилиши улуғ ишига, КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга оширишга бағишламоқдасиз. Миллионлаб хотин-қизлар 1982 йилги планларни, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақада зардорларча ишлаш намуналарини кўрсатмоқдалар. Атоқли меҳнаткаш аёллар Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, СССР Давлат мукофотларининг лауреатлари бўлди, Ватаннинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Сизларнинг давлат ва жамоат ишларини бошқаришда кенг кўламда ва самарали қатнашаётганлигингиз турмушимизнинг реал фактидир. СССР Олий Совети депутатларининг учдан бир қисми, маҳаллий Советлар депутатларининг тенг ярми хотин-қизлардан иборат. Қасаба союз ва комсомол ташкилотларининг ярмидан кўпроғига хотин-қизлар бошчилик қилмоқдалар.

Биз бугунги кунда оналарга алоҳида самимий сўзлар билан мурожаат қиламиз. Леонид Ильич Брежнев ўзининг «Эсдаликлар»ида она тўғрисида зўр самимият, астойдил фарзандлик меҳр-муҳаббати билан гапирди. Аёлларни ҳақли равишда оиланинг жон-тани деб атайдилар. Кўпгина энг яхши инсоний фазилатлар оилада бошланади, шахснинг камол топиши учун пойдевор қўйилади. Сизлар ўз фарзандларингизни юксак ғоявийлик меҳнатсеварлик руҳида, соф виждонли қилиб тарбиялаб, мамлакат учун муносиб, ишончли ўринбосарларни вояга етказмоқдасиз. Партия билан ҳукумат оналар тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилмоқда. Оналарга, болаларга, онлага ёрдамни кўпайтириш юзасидан кенг тадбирлар системаси изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Оналарнинг, фарзандларнинг бахт-саодати батамом тинчликка боғлиқдир. Совет хотин-қизлари Коммунистик партия ва Совет давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсатини бажонудил қўллаб-қувватламоқдалар. Мураккаб халқаро вазиятда ватандош хотин-қизларимиз социалистик мамлакатлардаги хотин-қизлар билан, бутун планетадаги меҳнаткаш аёллар билан биргаликда тинчлик учун, ракета-ядро уруши хавфини бартараф этиш учун актив кураш олиб бормоқдалар. Уруш хавфига қарши, тинчлик ва қуролсизланиш учун курашда хотин-қизларнинг овози яна ҳам баралла янграйверсин! Болаларнинг бошлари узра осмон ҳамиша мусаффо бўлиб, қуёш чарақлаб нур сочаверсин!

Азиз совет хотин-қизлари!

Социалистик Ватан бахт-саодати йўлидаги илҳомбахш меҳнатингиз, тинимсиз фаолиятингиз учун Сизларга сидқидилдан коммунистларча раҳмат!

Сизларга чин қалбдан сиҳат саломатлик, омон-эсонлик, меҳнатда, ўқишда ижодда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз! Сизларга ва оилангизга бахт-иқбол ёр бўлсин!

Совет хотин-қизларига шон-шарафлар!

Қардош социализм мамлакатларининг хотин-қизларига қизғин салом!

Бутун дунё меҳнаткаш хотин-қизларининг бирлиги ва жипслиги мустаҳкамланаверсин!

Яшасин бизнинг Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Яшасин коммунизм!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКДА РЕСПУБЛИКА КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА АЛМАШЛАБ ЭКИШНИ ЎЗЛАШТИРИШНИ ТУГАЛЛАШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қайд этадиларки, республика партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозлари КПСС XXVI съезди билан Ўзбекистон Компартияси XX съезднинг қарорларини бажара бориб, ўн биринчи беш йилликда 30 миллион тонна пахта, 1985 йилда 5 миллион тонна дон, 6 миллион тоннадан кўп мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, шунингдек гўшт, сут ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни анча кўпайтириш тадбирларини ишлаб чиқдилар.

Асосан қишлоқ хўжалигини индустриал технологияга ўтказиш, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ҳамда чорва ва парранда маҳсулдорлигини ошириш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, алмашлаб экишни ўзлаштириш, комплекс механизациялаш негизида илм-фан ютуқлари ва илғор агротехникани жорий этиш, ер, сув ресурсларидан, минерал ва органик ўғитлардан, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан самарали фойдаланиш асосида ана шу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига эришиш кўзда тутилмоқда.

Республикада бу соҳада талайгина ишлар олиб борилмоқда. 1,6 миллион гектар ерда ёки экин майдонларининг 70 процентида алмашлаб экиш батамом ўзлаштирилган, Наманган ва Самарқанд областларининг ҳар бирида 92 процент, Тошкент областида 89 процент, Сурхондарё областида 81 процент экинзорда алмашлаб экиш ўзлаштирилган. Ромитан, Навоий, Гулистон, Ворошилов, Бағдод, Киров районларида ва бошқа бир қанча районларнинг хўжаликлари алмашлаб экишни ўзлаштиришни ниҳоясига етказмоқдалар.

Экин майдонларининг структураси яхшиланди, бедапоялар, ғаллазорлар ва бошқа озуқабоп экинлар, такрорий ва оралиқ экинлар майдони кўпайди. Суғориладиган ерлардаги бедапоялар 450 минг гектарга етди ва жами экин майдонларининг 15 процентини эгаллаб турибди, бу эса гўза ҳамда бошқа асосий қишлоқ хўжалик экинларини энг яхши ерларга экиш имконини берди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети айрим хўжаликларда пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш секинлик билан кўпаяётганлиги, ғўза вилти ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари касалликларига чалинган майдонлар ортиб бораётганлиги сабабли зўр ташвиш билдирдилар. Айни вақтда бир қанча областлар ва районларда алмашлаб экишни ўзлаштиришга етарлича эътибор берилмаяпти, ваҳоланки алмашлаб экиш тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда вилтга қарши курашнинг ишончли ва асосий воситасидир.

Кўпгина пахтакор хўжаликларда экин майдонларининг структурасида озуқабоп ва донли экинларнинг салмоғи пастлиги сабабли алмашлаб экишни янада ўзлаштириш кечиктириб юборилмоқда. Андижон областининг кўпчилик районларида, Қўнғирот, Ленинобод, Кегайли, Мирзачўл, Октябрь, Ильич, Меҳнатобод районлари ва бошқа бир қанча районларда ана шу экинлар майдони 20 процентдан ҳам камроқ ерни эгаллаган. Бедапояларнинг салмоғи анча паст. Қорақалпоғистон АССР ва Андижон области, Қува, Тошлоқ, Хива, Шовот, Шўрчи ва бошқа баъзи районларнинг хўжаликларида беда экин майдонларининг 10 процентдан ҳам камроғини эгаллаган. Асбоблар ёрдамида ўлчаб чиқиш натижалари шуни кўрсатдики, 1981 йилда Қорақалпоғистон АССРда бедапоялар пландагидан 6,5 минг гектар, Жиззах областида 1,8 минг, Сирдарё областида 2,7 минг ва Хоразм областида 3,5 минг гектар кам экилган. Шу областларнинг хўжаликлари ҳар йили пландагидан анча кам майдонларга беда экиб, аввалги йилларда экилган бедапояларни асоссиз равишда пландан ташқари ҳайдаб юбормоқдалар. Кўриқ районларнинг совхозларида катта бузилишларга йўл қўйилмоқда, бу совхозлар дастлабки кунлариданоқ қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш борасидаги тавсияларни бажармаяптилар, озуқабоп ва донли экинларни алмашлаб экиш лойиҳалари ва схемаларида кўзда тутилганига караганда анча кам экиб, уларни ажратилган далаларга тўлиқ жойлаштирмаяптилар.

(Давоми иккинчи бетда).

МАККАЖЎХОРИГА ҲАР ТОМОНЛАМА ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

Ўзбекистонда маккажўхори етиштириш жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигининг бу муҳим тармоғини ривожлантиришда сезиларли қадам қўйилди. Республика деҳқонлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ёш маккажўхорикорлар республика кенгаши қатнашчиларига йўллаган мактубига амал қилиб, дон етиштиришни кўпайтириш соҳасида зўр ғайрат билан иш олиб бормоқдалар. Ўтган йили Ўзбекистон 1,6 миллион тонна қаҳрабо дон етиштирди. Кўпгина хўжаликлар суғориладиган ерлардан гектар бошига 100 центнер ва ундан ҳам кўпроқ дон олди, умуман республикада ўрта ҳисобда мамлакатда энг юксак маккажўхори ҳосилдорлигига эришилди.

Гарчан салмоқли муваффақиятларга эришилган бўлса ҳам, деҳқонлар олдида ўн биринчи беш йилликда маккажўхори етиштириш ва тайёрлашни кескин кўпайтириш, озиқ-овқат программасини ҳал этишга муносиб ҳисса қўшишдан иборат янги вазифа турибди. Бу вазифани ҳал этиш учун республикада 18 та янги ихтисослаштирилган совхоз тузилди. Уларга 20 минг гектардан кўпроқ энг серҳосил ерлар ажратиб берилди, биринчи мавсумдаёқ бу ерларда мўл ҳосил олиш белгиланди. Янги совхозларнинг тузилиши бир йил мобайнида қўшимча равишда 160—180 минг тонна сара дон етиштириш имконини беради.

5 март куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида янги маккажўхорикорлик совхозлари директорларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда республика министрликлари, идоралари ва ташкилотларининг раҳбарлари, олимлар ҳам иштирок этишди.

Хўжаликларнинг кенгашда сўзга чиққан раҳбарлари янги совхозларда ўтказилаётган ишлар тўғрисида гапириб бердилар.

Ҳамма хўжаликларда гектар бошига 100 центнер ва ундан ҳам кўпроқ дон олиш имконияти борлиги кенгашда таъкидлаб ўтилди. Бунинг учун республиканинг илғор маккажўхорикорлари орттирган бой тажрибадан фойдаланиш керак. Усимликлар юксак агротехника даражасида парвариш қилиниши, маккажўхори етиштириш технологиясини бузишга асло йўл қўймаслик, маҳаллий ва минерал ўғитдан, сувдан самарали фойдаланиш лозим. Янги совхозларга ажратилган унумдор ерларнинг ҳар гектари имкони борича кўпроқ самара бериши керак. Экинларни аралаштириб экишни кенг жорий этиш йўли билан бунга эришиш мумкин. Жумладан, бир даланинг ўзига маккажўхори билан хашаки лавлагини аралаш экиш катта наф беради. Такрорий ва оралиқ экинлар экишни ҳам жорий қилиш зарур. Бу усул суғориладиган ерлардан йил бўйи фойдаланиш ва икки-уч марта ҳосил олиш имконини беради.

Маккажўхорикорлик совхозларининг директорлари ўз нутқларида яқин келажакдаги вазифаларга батафсил тўхталдилар. Ерга уруғ ташланадиган кунлар тобора яқинлашиб келмоқда. Бу муҳим кампанияни энг мақбул муддатларда ва юксак агротехника савиясида ўтказиш керак.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади. У маккажўхорикорларнинг КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми қарорларидан, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларидан келиб чиқадиган вазифаларини таъриф-лаб берди. Ўзбекистонда дон етиштиришни ҳар томонлама кўпайтириш учун жуда катта имкониятлар бор. Дала ҳосилдорлигини янада кўпайтиришга эришиш, совет кишиларининг фаровонлигини оширишга қаратилган озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришга салмоқли ҳисса қўшиш, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш — маккажўхорикорларнинг ватанпарварлик бурчидир.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. А. Айтмуротов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИ АЪЗОЛИГИГА КАНДИДАТ, ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ Ш. Р. РАШИДОВНИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика коммунистларини ва барча меҳнаткашларини давлатга пахта, дон, деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотлари сотиш юзасидан 1981 йил учун белгиланган планларни ва олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этиш соҳасидаги катта ташкилотчилик ва сиёсий иши учун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидович **Рашидов Октябрь Революцияси** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1982 йил, 5 март.

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ ШАРАФИГА

5 март куни Тошкентда халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройига Ўзбекистон саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалигининг илғор меҳнаткаш хотин-қизлари, партия, совет жамоат ташкилотларининг вакиллари ва маданият арбоблари, Совет Армияси жангчилари йиғилдилар.

Йиғилишда доклад қилган Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева, сўзга чиққан икки марта Ленин ордени кавалери, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчиси И. М. Басанец, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Туроб Тўла, В. И. Ленин номли Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юртининг курсанти О. Сидиров, қаҳрамон она, Тошкентдаги 2-мактабнинг ўқитувчиси Муҳаббат Бобоева, Тошкент медицина институтининг студенти Д. Акрамова КПСС XXVI съезди тарихий қароларини амалга оширишга жуда катта ҳисса қўшаётган совет хотин-қизларининг бахтли тақдири тўғрисида гапирдилар. Нотиқлар халқ фаровонлиги ҳақида, ер юзида тинчлик тўғрисида зўр ғамхўрлик қилаётганликлари учун жонажон Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига самимий миннатдорчилик изҳор этдилар.

КПСС ленинчи Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилинди.

Тантанали йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. А. Айтмуротов, Л. И. Греков, Т, Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Ҳўжаев, Л. Н. Мелкумов, У. У. Умаров иштирок этдилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛҒОРЛАРИГА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

1981 йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан белгиланган планларни ҳамда олинган социалистик мажбуриятларни бажаришда эришилган юксак натижалар ва меҳнат қаҳрамонлиги учун қуйидагиларга **Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилиб, **Ленин** ордени ҳамда **«Ўроқ** ва **Болға»** олтин медали топширилсин:

Алимов Абдулла — Қорақалпоғистон АССР Элликқалъа районидаги «Қирққизобод» колхозининг раиси.

Алматов Шомат — Қашқадарё область Қарши районидаги «Ленин йўли» совхозининг механизатори.

Каримов Абдухолиқ — Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё область комитетининг биринчи секретари.

Маҳмудов Воис — Хоразм область Хонқа районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг бригадири.

Мирзакаримов Абдуқаим — Андижон область, Комсомолобод районидаги Мирзааҳмедов номли совхозининг бригадири.

Рўзиматов Миразиз — Тошкент область, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси.

Рустамов Эшниёз — Сурхондарё область, Ўзбекистон Компартияси Жарқўрғон район комитетининг биринчи секретари.

Эргашев Йўлдош — Бухоро область, Пешқу районидаги «Москва» колхозининг бригадири.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ,
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1982 йил 5 март.

Тошкентнинг 2000 йиллиги олдидан

КОММУНИСТИК КЕЛАЖАККА НАЗАР ТАШЛАБ

5 март куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов раислигида Тошкент шаҳарининг 2000 йиллигига тайёргарлик кўрувчи ва уни ўтказувчи ташкилот комитетининг мажлиси бўлди.

Мажлис қатнашчилари юбилейга тайёргарлик кўриш, шаҳар хўжалигини ривожлантириш, юбилей объектларини барпо этиш, шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, Тошкент метрополитенини қуриш, Ўзбекистон пойтахти қиёфасини яна ҳам кўпроқ кўркам қилиши лозим бўлган янги архитектура ансамбларини барпо этиш планида кўзда тутилган ташкилий ва идеологик тадбирлар қандай бажарилаётганлигини муҳокама қилдилар. Шу ҳақда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов, шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин, шаҳар бош архитектори С. Р. Одилов ахборот бердилар.

Мажлисда қайд этиб ўтилганидек, Тошкентнинг келгуси йилда нишонланадиган юбилейига тайёргарлик КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисидаги қарорида, КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми қарорларида белгиланган, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев кўрсатмалари ва тавсияларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилмоқда.

Бўлажак 2000 йилликни салмоқли меҳнат зафарлари билан, шаҳарни иқтисодий ва социал ривожлантириш беш йиллик планини КПСС XXVI съезднинг тарихий режаларини, Ўзбекистон Компартияси XX съезднинг қарорларини амалга оширишда муносиб муваффақиятлар билан кутиб олиш — тошкентликлар ўз олдиларига қўйган ва зўр ғайрат-шижоат билан интилаётган бош мақсаддир. Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш учун мусобақа кенг қулоч ёзди.

Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари учун Тошкентга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди. Ўтган йил шаҳарда саноат ишлаб чиқариши ҳажми олти процент кўпайди ,бунда маҳсулотнинг бутун ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди. Тошкентдаги корхоналар ишлаб чиқараётган мингга яқин буюмга фахрли бешбурчак — давлат Сифат белгиси қўйилмоқда.

Бугунги кунда Тошкент ғоят катта қурилиш майдонидир. Қаёққа назар ташламанг миноралари кранлар бўй чўзиб турганлигини кўрасиз, кўп қаватли уй-жойлар, янги маъмурий бинолар тобора кўпаймоқда... Тошкентнинг янги телевизион минораси 375 метр баландга кўтарилди — ноёб иншоот лойиҳадаги белгисига етди. Тошкентлик бинокорлар олдига ҳар йили камида 1 миллион квадрат метр уй-жой барпо этиб, фойдаланишга топшириш вазифаси қўйилган, улар бу вазифани ҳал этмоқдалар. Ер остида ҳам ҳақиқий қасрлар бунёд этилган —Тошкент метрополитенини ривожлантириш суръатлари жадаллаштирилмоқда. Эндиликда метрополитен шаҳарликларнинг турмушига мустаҳкам сингиб кетди. Ҳозир метро қурувчиларининг куч-ғайратлари иккинчи линиянинг ишга туширилиадиган биринчи участкасидаги бешта станция ва тоннелларни барпо этишга қаратилган, шундан кейинги ер ости магистраллари лойиҳалаштирилмоқда. Тошкентнинг Инқилоб хиёбони, Ҳамид Олимжон каби эски майдонларининг қиёфаси ўзгартирилади, шу майдонларни безатишда шаҳарнинг тарихи билан боғлиқ бинолар асраб қолинади, шаҳарнинг мутлақо янги ансамбллари — Халқлар Дўстлиги, Пахтакор ва бошқа майдонлари вужудга келмоқда. Тошкентнинг ҳамма томонларида янги бинолар қад кўтармоқда.

Мажлис қатнашчилари кўпгина ишлар қилинганлигини айтиб ўтдилар. Аммо юбилей тантаналаригача қолган давр ичида ҳали жуда кўп ишлар қилиш керак бўлади. Тошкент юбилейига тайёргарлик давомида ҳали жиддий камчиликлар мавжудлиги, белгиланган тадбирларни муваффақиятли бажариш учун имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги таъкидланди.

Ташкилот комитетининг мажлисида Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кайдидатлари иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКДА РЕСПУБЛИКА КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА АЛМАШЛАБ ЭКИШНИ ЎЗЛАШТИРИШНИ ТУГАЛЛАШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда)

Бир қанча хўжаликларда бедадан жуда паст ҳосил олинмоқда, экиндар сийраклашган, бегона ўт босган, бедапояларга яхши қараламаяпти, беда парваришш агротехникасига риоя этилмаяпти. Хоразм, Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё областларида ва Қорақалпоғистон АССРда бедапоя-ларнинг 34—57 процентга кадари хароб ҳолда бўлиб, бу тупроқ унумдорлигини тиклашга, уни вилт, бошқа касалликлардан соғайтиришга салбий таъсир қилмоқда, далалар бегона ўтлардан тозаланмаяпти, натижада пахта-беда алмашлаб экишнинг самарадорлиги пасайиб кетмоқда.

Шоликорлик совхозларида алмашлаб экишни ўзлаштиришда йўл қўйиб бўлмайдиган аҳвол вужудга келди. Бу совхозларда майдонларнинг атиги 22 процентида алмашлаб экиш ўзлаштирилган. Айни бир ерда шолини экавериш шолипояларни ёввойи ўт ва курмак босиб кетишига олиб келди.

Хуторларни истиқболли аҳоли пунктларига кўчириш ишлари суст олиб борилмоқда. Алмашлаб экиладиган далаларда уй-жойлар, маданий-коммунал ва ишлаб чиқариш объектлари қуриш, шунингдек лойиҳада кўзда тутилмаган кўп йиллик доврахтлар ўтқазиш натижасида далаларда алмашлаб экишни ташкил этиш бузилмоқда. Ер участкаларини далалар ва алмашлаб экиладиган массивларнинг чегаралари ҳисобга олмасдан далачилик бригадаларига бириктириб қўйилиши алмашлаб экишни ўзлаштиришни кечиктирмоқда. Алмашлаб экишга доир лойиҳа ҳужжатларини тузиш ва тўғрилаш ишлари ўз вақтида ўтказилмаяпти, хўжалик ичидаги қурилиш объектларини жойлаштириш «Ўзгипрозем» лойиҳа институти билан келишиб олинмаяпти.

Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари алмашлаб экиладиган далаларда қишлоқ хўжалик экинлари тўғри жойлаштирилишига етарлича аҳамият бермаяптилар, бу ишларнинг бажарилишини таъминламаяптилар, қишлоқ хўжалик органлари эса шу муҳим иш соҳасини етарлича контрол қилмаяптилар, йўл қўйиб бўлмайдиган бузилишларга тоқат қилиб келмоқдалар. Бунинг натижасида Қорақалпоғистон АССРда 44 процент, Жиззах областида — 37, Хоразм областида — 49, Қашқадарё областида — 55 ва Сирдарё областида 58 процент майдонда алмашлаб экиш ўзлаштирилган.

Жиззах, Хоразм, Сирдарё, Қашқадарё областлари ҳамда Қорақалпоғистон АССРнинг колхоз ва совхозлари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съездининг ўнинчи беш йиллиқда алмашлаб экишни тугаллаш борасидаги директиваларини бажармадилар, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари эса ана шу директивалар бажарилиши устидан етарлича контролликни таъминламадилар.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ва мева-сабзавот хўжалиги министрликлари, «Главсредазирсовхозстрой», ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими, СоюзНИХИ ва уларнинг жойлардаги органлари алмашлаб экишни ўз вақтида жорий этиш ва ўзлаштиришда етарлича принципиаллик ва қатъият кўрсатмаяптилар, деҳқончилик маданиятини ошириш ҳамда ерлардан оқилона фойдаланиш масалаларида колхоз ва совхозларга камроқ амалий ёрдам бермоқдалар.

Қабул қилинган қарорда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қуйидагиларни таъкидладилар: тармоқни индустриалаштириш, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги, чорва ва парранда маҳсулдорлигини ўстириш, тупроқ унумдорлигини, деҳқончилик маданиятини бутун чоралар билан ошириш ва алмашлаб экишни ўзлаштиришни тугаллаш асосида пахта, дон, гўшт, сут, тухум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилашни таъминлаш республика партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, илмий-тадқиқот институтлари, колхоз ва совхозларнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир.

Жиззах, Хоразм, Сирдарё, Қашқадарё областларининг ва Қорақалпоғистон АССРнинг хўжаликлари ўнинчи беш йиллиқда алмашлаб экишни ўзлаштиришни ниҳоясига етказиш топшириқлари бажарилишини таъминламаганлиги қайд этиб ўтилди. Область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига мана шу муҳим соҳадаги ишларни кескин яхшилаш учун узил-кесил чоралар кўриш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, мева-сабзавот хўжалиги, мелиорация ва сув хўжалиги министрликларининг, «Главсредазирсовхозстрой»нинг, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг, СоюзНИХИ, область партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетларининг алмашлаб экишни ўзлаштиришни тугаллаш борасидаги тадбирлари маъқулланди. Область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги, мева-сабзавот хўжалиги, мелиорация ва сув хўжалиги министрликларига, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимига, «Главсредазирсовхозстройга», илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтларига ҳамда уларнинг жойлардаги органларига, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларига:

ҳар бир колхоз ва совхоз бўйича алмашлаб экишни ўзлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиб, беш йиллик йиллари бўйича тасдиқлаш ҳамда шу тадбирларнинг бажарилиши устидан қатъий контрол ўрнатиш:

элита-уруғчилик хўжаликларида бедапоялар майдони ва беда уруғлигини кенг қаторли усулда экиш топшириқларини белгилаш, ана шу топшириқларни ҳар бир колхозга етказиш, уларнинг бажарилишини сўзсиз таъминлаш;

совхозларнинг далачилик бригадалари ва бўлимларини энг мақбул даражада йириклаштириш тадбирларини амалга ошириш; уларни алмашлаб экиладиган далаларнинг чегаралари билан қатъиян мослаштириш;

алмашлаб экишга киритилган экин майдонларида планда кўзда тутилмаган қурилишга, шунингдек уларнинг қишлоқ хўжалигидан бошқа эҳтиёжлари учун олинишига йўл қўймаслик;

алмашлаб экиладиган қишлоқ хўжалик экинлари далаларга тўғри жойлаштирилиши ва унинг амалга оширилишини контроллик қилиш учун колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг, қишлоқ хўжалик органларининг масъулиятини ошириш;

алмашлаб экиладиган қишлоқ хўжалик экинлари далаларга жойлаштирилишининг якунларини ва алмашлаб экишни ўзлаштириш учун авторлик назоратини ҳар йили область ва район партия комитетларида, Қорақалпоғистон Советида, область ва район ижроия комитетларида кўриб чиқиш таклиф этилди. Бузишларга йўл қўйган шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўрилсин.

ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими ва Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги 1983 йилнинг 1 январига қадар муддатда суғориладиган ва лалми ерларда беда уруғи етиштириш юзасидан илмий асосланган агротехника тавсияларини, экинларни парвариш қилиш, беда уруғини йиғиштириб олиш, тозалаш ва асрашга доир технология карталарини ишлаб чиқсинлар. Юқори сифатли беда уруғини етиштириш ва олиш юзасидан ҳамма жойда семинарлар ўтказилсин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ва мева-сабзавот хўжалиги министрликлари, «Главсредазирсовхозстрой» ва «Ўзгипрозем» лойиҳа институти:

барча колхоз ва совхозларни алмашлаб экишга доир лойиҳа ҳужжатлари билан ўз вақтида таъминласинлар, зарур бўлиб қолган тақдирда илғорларнинг ишлаб чиқилган ҳужжатларини тўғрилаб, ишлаб чиқсинлар ва кейинги ҳар беш йиллиқда алмашлаб экишга доир мавжуд лойиҳа ҳужжатларини синчиклаб рўйхатга олиб борсинлар;

ички хўжалик суғориш ва коллектор-дренаж тармоғини қайта қуриш тадбирларига, хуторлар ва майда қишлоқларни кўчириш, ер резервларини ўзлаштириш тадбирларига асосланган ички хўжалик ер-тузилиши лойиҳаларини ишлаб чиқишни тезлаштирсинлар;

«Ўзгипрозем» институтига ҳар йили колхозлар, совхозлар ва қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари ҳамда мутахассислари билан биргаликда қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш ва алмашлаб экишнинг жорий этилиши устидан авторлик назорати ишларини ўтказиш топширилсин, шу ишларни ўтказиш сифати оширилсин.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область, район ижроия комитетлари, колхозлар, совхозлар, лойиҳа институтлари ва илмий институтлар, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, ички хўжалик объектларини лойиҳаловчи ҳамда қурувчи ташкилотлар ва муассасалар кўп йиллик дов-дарахтларни ўтказиш ишларини фақат «Ўзгипрозем» лойиҳа институти билан келишган ҳолда амалга оширсинлар, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги эса институт планларида шу ишларни бажаришни кўзда тутсин.

ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими, СоюзНИХИ, Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш, ирригация илмий-тадқиқот институтлари, Зайцев номидаги Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда республиканинг зоналари ва областлари бўйича деҳқончиликнинг илмий асосланган системаларини ишлаб чиқишни жадаллаштирсинлар, алмашлаб экишнинг самарали схемаларини, пахта, беда, ҳашаки оралиқ экин ва такрорий экиладиган экинларнинг янги навларини жорий этишга алоҳида эътибор берсинлар.

ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими, СоюзНИХИ ва уларнинг жойлардаги органлари республиканинг турли тупроқ — экологик зоналарига мослаштирилган, совуққа чидамли ва чорвачилик эҳтиёжлари учун эрта баҳорда ғоят кўп ҳосил берадиган ҳашаки оралиқ экинларнинг янги навларини яратиш борасидаги илмий-тадқиқот ишларини кучайтирсинлар, шунингдек ана шу экинларни парвариш қилиш юзасидан тавсияларни ишлаб чиқсинлар.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик ҳамда мева-сабзавот хўжалиги министрликлари, «Главсредазирсовхозстрой» ва ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими оралиқ экинларнинг навли уруғликларини етиштириш юзасидан оммавий ва бошланғич уруғчиликни ташкил этсинлар, бунинг учун кўпайтириладиган уруғликни жорий этишга доир уруғчилик хўжаликлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг тармоғини белгиласинлар.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юритиш системаси ва ерлардан самарали фойдаланиш борасидаги илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқариш шароитида текшириш, ер кадастридан фойдаланилган ҳолда ер тузилишини лойиҳалашдаги илғор тажрибани ўрганиш учун Тошкент область Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози ва Сирдарё область Оқолтин районидаги Усмон Юсупов номли совхоз база хўжаликлари этиб тасдиқлансин.

Алмашлаб экишни амалда ўзлаштириш учун жавобгарлик колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари зиммасига, шу тадбирларнинг амалга оширилиши устидан контроллик қилиш эса шахсан Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ва мева-сабзавот хўжалиги министрлари, «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғи, область ва район партия комитетлари биринчи секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети раисининг область ва район ижроия комитетлари раислари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва уларнинг жойлардаги органлари алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш тўғрисидаги ҳисоботлар ўз вақтида сифатли тақдим этилиши устидан контролликни кучайтирсинлар. Мазкур ҳисоботлардаги маълумотлар авторлик назорати материаллари билан мувофиқлаштирилсин.

Республика, область ва район газеталарининг редакциялари, ЎзТАГ, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитети алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш соҳасидаги илм-фан ютуқлари ҳамда илғорлар тажрибасини газеталарнинг саҳифаларида, телевидение ва радио орқали мунтазам ёритиб борсинлар.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ Ҳамид Олимжон номли метро станцияси яқинида йигирма бир қаватли турар-жой биноси барпо этилмоқда. Суратда: шу бино қурилишида пешқадамлар сафида бораётган «Мосжилстрой» трестининг илғор монтажчилари Ринат Тагиров ва Иван Моргунов.

А. Тўраев фотоси.

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

СССР 60 йиллигини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақа тобора авж оляпти. Юзлаб ишлаб чиқариш илғорлари бу сана шарафига зиммаларига оширилган мажбуриятлар олишди. Владимир Биков, Комил Айсин, Егор Акулин, Эркин Жўрабоев, Бибисора Жонибекова, Рашида Ризаева каби турли касб эгалари пешқадамлар сафида бормоқдалар.

Шунингдек, ўнлаб бригадалар меҳнат беллашувини тобора қизитмоқда. Людмила Скрипачева бошлиқ комплекс прессчилар бригадаси пешқадамлари иш вақтидан унумли фойдаланиш, илғор усулларни жорий этиш ва аралаш касбларни ўзлаштириш ҳисобига бир ярим йиллик планни бажаришга ваъда беришган. Бригаданинг таклифи билан махсус пресс формаларида резина деталларни штамповка қилиш жорий этилди. Бу таклиф натижасида бир киши бошқа касбга ўтказилди ва йилига 23 килограмм резина тежаш имконияти яратилди.

Завод касаба союз комитети илғорлар ташаббусини маъқуллаб, уни кенг ёйишга тавсия қилди.

В. КЛЕМЕНТЬЕВ,
«Ташсельмаш» заводи инженери.

ЖАНГОВАР ҲАРАКАТ ПРОГРАММАСИ

СССР ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИНИНГ V СЪЕЗДИ

Совет журналистлари партия сиёсатининг актив тарғиботчилари, меҳнаткашларни юксак ғоявийлик, социалистик Ватанга, коммунизм ишига садоқат руҳида тарбиялашда, шахсни ҳар томонлама уйғун камол топтиришда ҳар жиҳатдан актив иштирокчилар бўлмоғи керак. СССР Журналистлар союзи V съезднинг делегатлари ўтган беш йил мобайнида қилинган ишларнинг якунларини, КПСС XXVI съезди қарорлари асосида оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Съезд 4 март куни Москвада Союзлар уйининг Колонна залида ўз ишини тамомлади.

Съезднинг охирги куни музокараларда Х. Г. Томинг (Эстония), Н. Т. Табаров (Тожикистон), Г. Н. Селезнёв, Я. Н. Засурский (Москва) сўзга чиқдилар.

Ижодий секцияларнинг иш якунлари тўғрисида мазкур секцияларнинг раҳбарлари В. Н. Голубев, А. В. Романов, С. Г. Лапин, Д. Ф. Краминов, М. Ф. Ненашев, Л. П. Кравченко доклад қилдилар.

Халқаро Журналистлар ташкилотининг президенти К. Норден Стренг съездда сўзга чиқиб, империалистик милитаристик доиралар ўзларига итоатгўй буржуа матбуотидан, телевидение ва радиодан фойдаланиб ҳарбий васваса вазиятини кучайтиришга интилмоқдалар, социализм мамлакатларига қарши, ривожланаётган мамлакатлар, миллий озодлик ҳаракатларига қарши кенг миқёсда пропаганда кампаниясини олиб бормоқдалар.

Халқаро Журналистлар ташкилотининг президенти Советлар мамлакати оммавий ахборот воситаларининг ролига, демократия, социал тараққиёт, бутун дунёда тинчлик учун курашда совет журналистларининг фаолиятига юксак баҳо берди.

Удар «Аврора» крейсерининг радиостанцияси жаҳонда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлати пайдо бўлганлиги ҳақида В. И. Ленининг мурожаатини эфирга чиқарган кундан бошлаб ишу олижаноб ғояларга садоқат билан ҳаққоний хизмат қилмоқдалар. Совет журналистлари бошқа социалистик мамлакатлардаги ҳамкасблари билан бирга ялпи тинчликни мустаҳкамлаш учун, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни кучайтириш учун муайян мақсадни кўзлаб актив ҳаракат қилмоқдалар.

Съездда Куба журналистлар союзи бош секретари Э. Вера, Корея Журналистлар союзи марказий комитети раисининг ўринбосари Ким Гван Су, Афғонистон Демократик Республикаси Журналистлар союзи делегациясининг раҳбари Р. Рафат, Яман Демократик Журналистлар ташкилоти делегациясининг раҳбари М. Али Абдо, Кампучия Журналистлар уюшмаси бош секретари Кхиеу Каньнарит, Лаос журналистлар союзи делегациясининг раҳбари Птетсаксхон съездда сўзга чиқдилар. Улар съезд делегатларини ва бошқа барча совет журналистларини самимий табрикладилар, тинчлик, инсонпарварлик ва социал тараққиёт идеалларини барқарор қилиш учун курашда уларга янги-янги муваффақиятлар тиладилар.

Съезд қабул қилган резолюцияда КПСС XXVI съезднинг тарихий қарорлари барча журналистлар ташкилотлари ва редакция коллективлари учун, ҳар бир совет журналисти учун илҳомбахш программа эканлиги таъкидланади. Матбуот, телевидение, радиоэшиттириш, информация агентликлари ва нашриётларнинг ходимлари оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг фаолиятига, совет журналистларининг меҳнатига юксак баҳо берганликлари учун фахрланиб миннатдорчилик билдирдилар. Делегатлар совет журналистлари партиявий журналистиканинг ленинча принципларига ва анъаналарига амал қилиб, ҳамма вақт юксак иктимоий активлик ва топширилган иш учун жавобгарлик намунасини кўрсатадилар, деб ваъда бердилар.

Съезд союзнинг правленияси ва ревизия комиссиясини сайлади.

Съезд делегатлари КПСС Марказий Комитетига, ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома йўлладилар. Табрикномада бундай дейилади: бизнинг эҳтиросли партиявий сўзимиз ҳамиша Коммунистик партияга, Совет Социалистик Республикаларининг Буюк Иттифоқи — совет Ватанига садоқат билан хизмат қилиши учун зарур бўлган ҳамма ишларни қиламиз. Бу йил совет Ватанининг шонли юбилейи нишонланади. Партиянинг содиқ ёрдамчилари бўлган журналистлар кишилар онгида социализм буюк ғалабаларининг тарихий мазмунини чуқур сингдиришга, бунёдкор инсонининг қаҳрамонона ишларини ёрқин кўрсатишга, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини ривожлантиришга ҳар тарафлама кўмаклашишга ўзининг бутун кучғайратини сарфлайдилар.

Съезднинг якунловчи мажлисида КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин, КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлимининг мудири Е. М. Тяжельников, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг биринчи ўринбосари К. М. Боголюбов иштирок этдилар.

СССР Журналистлар союзи правлениесининг биринчи пленуми бўлиб ўтди. Пленумда правление раиси қилиб В. Г. Афанасьев сайланди. Правление раисининг ўринбосарлигига П. Ф. Алексеев, С. Г. Лапин, С. А. Лосев, Я. А. Ломко, Б. И. Стукалин, Л. Н. Толкунов сайландилар.

Правление секретарлигига С. Б. Байжанов, Г. В. Бедненшвили, Я. П. Британс, А. К. Варсобин, В. Н. Голубев, М. Д. Еремин, З. И. Есенбоев, В. П. Жидков, Ғ. Н. Қаландаров, Р. И. Косолапов, Л. П. Кравченко, Д. Ф. Краминов, Л. М. Кроян, А. К. Лауринчукас, А. М. Мамедов, Р. И. Маҳмудов, М. Ф. Ненашев, Б. Д. Панкин, Ш. П. Санакоев, Г. Н. Селезнев, В. Я. Серобаба, Л. Н. Тимофеев, Д. Д. Турсунов, В. И. Федотова, М. И. Халдеев, А. П. Харламов, Л. Н. Ягодин сайландилар.

СССР Журналистлар союзи Марказий ревизия комиссиясининг мажлиси ҳам бўлди. В. И. Новиков Марказий ревизия комиссиясининг раиси қилиб сайланди.

(ТАСС).



Чирчиқ сут заводи шаҳарда кенжа корхона ҳисобланади. У фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида яратилган машина-механизмлар билан ускуналанган. Бу ерда Ленинград, Киев, Ростов ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидаги қатор йирик машинасозлик корхоналари, қардош Венгрия ва Германия Демократик Республикасидаги фирмалар етказиб берган асбоб-ускуналар ўрнатилган. Фойдаланувчилар корхонанинг лойиҳа қувватини муддатидан илгари тўла ўзлаштириш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар. Суратда: завод ишлаб чиқариш участкаларининг бирида.

Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ).

МЕҲНАТ БАЙРАМИ

Боёвут районидаги Руқкий номли пахтачилик колхозининг коллективи В. И. Ленин туғилган кунинг 112 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисида москваликлар бошлаган ташаббусга қўшилди. Меҳнат байрами куни хўжаликда 900 киши ишлайди.

Шу куни хўжалик посёлкасини кўкламзорлаштириш, ариқ-зовурлар, йўл ёқаларини тозалаш мўлжалланади. Ҳар бир пахтачилик бригадасида боғ ва токзорлар барпо этилади.

(ЎзТАГ мухбири).

ҲАВАСКОРЛИК ФИЛЬМЛАРИГА МУКОФОТЛАР

Паркент канали қурилиши тўғрисида ҳикоя қилувчи «Сариқ қумларга ҳужум» рангли кинофильми ҳаваскорлар фильмлари республика конкурсининг биринчи мукофотига сазовор бўлди. Фильмни Тошкент область қасаба союз совети кино ҳаваскорлар клуби ҳузурида ишлаб турган «Кичик экран» студиясининг қатнашчилари суратга олишган.

Конкурсда Ўзбекистоннинг турли шаҳарларидан келган режиссёрлар, операторлар иштирок этишди. Фарғоналикларнинг «Шакархоннинг бахти» фильми иккинчи мукофот билан, Андижонда яратилган «Одамлар тўғрисида ғамхўрлик» картинаси учинчи мукофот билан тақдирланди. (ЎзТАГ).

КОМПЛЕКС СИСТЕМА АМАЛДА

✦ РЕСПУБЛИКАМИЗ пойтахтидаги «Подъёмник» заводи коллективи халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун электр кўприк кранлари ишлаб чиқаришни йил сайин кўпайтирмоқда. Машинасозлар айни вактда ишнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга ҳам ҳаракат қилишмоқда. Шу эзгу-ният йўлида ҳар томонлама изланишлар олиб борилмоқда. Фан ва техниканинг сўнги ютуқлари, илғор иш усуллари кенг жорий қилинаяпти.

Сифатни бошқариш комплекс системасининг жорий қилиниши ҳам яхши самара бермоқда. Ҳозирги вақтда бу система корхона ишлаб чиқаришининг барча бўлимларини қамраб олган. Цехлар, турли хизматлар фаолияти шу система орқали назорат қилинмоқда. Шунинг учун ҳам корхонада давлат Сифат белгиси билан тайёрланиб, мижозларга етказиб берилаётган маҳсулот миқдори кўпайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда ялпи кўтарма кранларнинг деярли ярми шарафли беш қирра билан чиқарилаяпти.

Ҳ. АЛИМОВ.

СУРЪАТИ СУСТ БЎЛМАСИН

«...БЕКОБОД ЗАВОДИДА ПЎЛАТ ВА ПРОКАТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ҚУВВАТЛАР РИВОЖЛАНТИРИЛСИН!».

(СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларидан).

В. И. ЛЕНИН номли Ўзбекистон металлургия заводи фақат республикамизда эмас, балки Ўрта Осиёда биринчи бунёд этилган қора металлургия корхонасидир. Улуғ Ватан уруши йилларида қуриб фойдаланишга топширилган бу гигант корхона мамлакат халқ хўжалиги учун жуда катта хизмат қилди ва қилмоқда. Кейинги йилларга келиб уни кенгайтириш режалари тузилди ва завод ҳузурида яна бир улкан завод — электр қуввати билан пўлат эритиш комплекси қуриб фойдаланишга топширилди.

Электр қуввати билан пўлат эритиш комплексининг лойиҳа қуввати бўйича унда бешта гигант печлар ўрнатилиши керак. Айни кунларда комплексда учта печь ишлаб турибди. Шунингдек, бу печлардан чиқаётган эритмани иккита пўлатни узлуксиз қуйиш машинасида хомашёга — ҳар бири 200—250 килограммлик ғўлачаларга айлантириб, мамлакатимизнинг турдош корхоналарига жўнатилмоқда. Олий навли бу пўлатдан тайёрланган прокат турли-туман машина механизмлар ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Пўлат эритувчилар янги комплекс ишга тушгандан буён зардобдорчасига меҳнат қилишяпти. Барча маҳорат ва тажриба юксак сифатли маҳсулот тайёрлашга, қувватларни ўз вақтида тўла ўзлаштиришга сафарбар қилинмоқда. Бироқ, бу билан бирга, комплекс коллективи фаолиятига алоқасиз бўлган қатор муаммолар ҳам кўндаланг бўлиб турибдики, худди мана шу муаммолар ҳануз печларнинг тўла қувват билан ишлашини таъминлашга ҳалақит бермоқда. Жумладан, Ўрта Осиё иқтисодий районининг енгил вазнли металлоломи электр қуввати билан пўлат эритиш печларига унча мойланд тушмаяпти. «Грузгипромез» институти печларнинг амалдаги лойиҳа қувватини белгилаётганда худди мана шу омилни — Ўрта Осиё иқтисодий райони металлолом ининг кичик габаритли ва енгил вазнли эканини назарда тутмаган. Бу печлар учун эса йирик габаритли, оғир вазнли металлолом даркор. Шу сабабли ҳозирги кунларда печни хомашёга тўлдириш учун лойиҳадаги 35 минут ўрнига 1 соат вақт кетяпти. Фақат мана шу сабабнинг ўзи билан бир йилда битта электропечь 25 минг тонна маҳсулот йўқотяпти. Бу эса, ҳар бир печь умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 10 процентини ташкил этади.

Шу билан бирга, электр пўлат эритиш комплекси коллективининг ўзига боғлиқ бўлган камчиликлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, ишлаб чиқариш командирларида етилган муаммоларни ҳал қилишда, кадрларни ўз қобилиятига биноан жой-жойига қўйишда, меҳнатни ташкил этишда ташаббускорлик етишмаяпти. Шундай экан, ҳар бир хўжалик раҳбарининг, ҳар бир коммунистнинг план-топшириқларини бажариш учун, цехдаги ғоявий-тарбиявий ишлар аҳволини яхшилаш учун шахсий жавобгарлигини ошириш даркор.

Электр печларда тайёрланган хомашё ҳозирча мамлакатимиздаги турдош корхоналарга жўнатилиб, у ерда прокат тайёрланяпти. Бу эса ўз навбатида йўл-транспорт ҳаражатлари учун жуда катта маблағ сарфлашга олиб келмоқда. Яқин йиллар ичида мана шу муаммо ҳам ҳал этилади. Бунинг учун комплекс ҳузурида улкан прокат станси барпо этиляпти. Узунлиги салкам 1 километр масофага чўзиладиган бу гигант стан қурилишида ўнлаб бинокорлик ташкилотлари фидокорона меҳнат қилиб, зиммадаги план ва мажбуриятларини муддатидан илгари адо этишмоқда. Улар ўртасида социалистик мусобақа кенг авж олдирилган ва бу мусобақага ҳар кварталда якун ясалиб, голиб коллективга енгил автомашиналар ҳамда пул мукофотлари тақдим этиляпти.

Бироқ, мана шу тадбирларга қарамай қурилишда қатор камчиликлар ва ҳал қилинмаган муаммолар ҳам мавжуд. Муҳим объектда ишлаётган Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ҳамда монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг барча бўлимлари ўтган йил планларини муваффақиятли бажаришди. Ачинарлиси шундаки, бош пудратчи бўлмиш «Ўзбекметаллургстрой» коллективи намуна кўрсатиш ўрнига қолоқликка йўл қўймоқда. Улар ўтган йили ўз кучлари билан пландаги 2 миллион 579 минг сўмлик ўрнига атиги 1 миллион 240 минг сўмни ўзлаштирдилар, холос. Бу, планнинг 48 проценти демакдир.

Бош пудратчи зиммасидаги планларни бажармаслигининг қатор сабаблари бор. Жумладан, зардоб объектда белгиланган 360 киши ўрнига атиги 120—135 киши меҳнат қилди. Шунингдек, объект йиғма темир-бетон конструкцияларини билан ўз вақтида таъминланмади, улар жуда кечикиб келди. Тўйтепа металл конструкциялари заводи ҳам зарур маҳсулотлар билан ўз вақтида таъминланмаётир.

Айни кунларда 300-прокат станининг машина зали қурилишидаги аҳвол кўпчиликни ташвишлантиряпти. Бу залга барча электр ускуналар жойлаштирилади. Уни монтаж қилиш учун эса 13 ой муддат керак. Ҳозиргача бу объектда пландаги 4 минг кубометр темир бетоннинг атиги 1000 кубометрга якини монтаж қилинди, холос. Шундай қилиб, бу муҳим объект ускуналарини монтаж қилиш ва топшириш графиги бузилди.

1982 йилда қурувчилар олдида янада катта вазифалар турибди. Улар 13 миллион 500 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштиришлари керак. Шунинг 10 миллион 700 минг сўми прокат станни қурилишида бажарилади.

Янги прокат цехини фойдаланишга топшириш 1983 йилга планлаштирилган. Муҳим Директива объектини ана шу муддатда қуриб битказиш учун барча резервларни сафарбар қилиш керак.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ДИРЕКТИВ ОБЪЕКТЛАРИГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«АРОСАТДА ҚОЛГАН КЎЧА»

Газетанинг шу йил 27 январь сонида берилган «Аросатда қолган кўча» сарлавҳали танқидий материал текширириб чора кўриш учун Тошкент шаҳар ижроия комитетига юборилган эди. Шу хатга шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари М. У. Ниёзовдан жавоб хати олинди. Унда айтилишича, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети мақолани кўриб чиққан. Тузилган комиссия С. Раҳимов ва Киров районлари ободонлаштириш бошқармалари ҳамда «Автодормехбаза» трести ходимлари иштирокида ўша жойдаги аҳвол билан танишган пайтда мақолада кўрсатилган фактлар тасдиқланган.

Собир Раҳимов, Қорадарё, Олмос, Мискин ва Марварид кўчалари йўлкаларини жорий ремонт қилиш ишлари 1982 йилнинг 15 мартигача амалга оширилади. Собир Раҳимов ва Уста Ширин кўчалари чорраҳасидаги қувур кўприкни тозалаш ишлари тугалланди. рўзғор чиқиндилари график бўйича ташиб кетилмоқда.

БЕШ ЙИЛЛИК ЗАРБДОРЛАРИ

САДОҚАТ

ЖУМАБОЙ Қўчқоровнинг таржимаи ҳоли бир неча сатрга жой бўлади. У 1940 йилда мактабни тугаллагандан бўён Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхозида ишлайди. Аввал сувчилик, кейин ҳисобчилик қилди. 1979 йилдан бери бригада бошлиғи. Қирқ йилдан кўпроқ вақтни ўз ишига олган бу даврнинг олти йилидагина у туғилиб ўсган элини, қадрдон далаларини тарк этишга тўғри келди.

Бу — оловли уруш йиллари эди. Ўқчи бўлинмасининг командири, кичик сержант Жумабой Қўчқоров Волхов фронти жангчилари сафида Ленинград қамалини бошидан кечирди. Латвия пойтахти Риганн немис босқинчиларидан озод қилишда иштирок этди. Топталган, снарядлар билан тилка-пора қилинган, сиёнасига уруғ ўрнига металл қадалган далаларни кўрганда деҳқон қалби жанг майдонида жароҳатланган дўстига куйингандек ачинар, автоматини кетмонга алмаштириш онларини интиқлик билан кутар эди.

Замин ҳам уларни — ҳақиқий дала соҳибларини соғинган эди. Хотин-халаж, ўспирину қариялар фронтда жон бериб жон олишаётган сара йигитлар ўрнини босиш учун ҳаракат қилишганди. Деҳқонлар урушдан қайтгач эса ер қучига куч қўшила борди, саҳоват орта бошлади. Кўп ўтмай Жумабой ҳам колхозда суғоришнинг ҳаддини олган, паст-баланд ерларга ҳам об-ҳаётни кокилдек тараб қўядиган мироб сифатида танилди. Ҳалол меҳнати эвазига кўксидаги жанговар орден ва медаллари ёнига янги нишонлар тақилди. 1979 йилда у Меҳнат Қизил Байроқ ордени сазовор бўлди.

Колхоз правлениесида Жумабой Қўчқоров бошлиқ бригада аъзоларининг иш натижалари билан танишар эканмиз, уларнинг ҳар йили пахта ҳосилдорлигини уч центнерданга ошириб борганликларидан хабардор бўлдик. Пахтакорлар 1979 йилда 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 42 центнердан, 1980 йилда 45 центнердан, 1981 йилда 48 центнердан хирмон ўйишибди. Ваҳоланки, бу йиллар пахтачилик учун осон келгани йўқ. 1980 йилда бригадада 30 гектар ерга чигитни қайта экишга ҳам тўғри келганди. Аммо, бригада коллективи учун «об-ҳаво ўз йўлига, иш ўз йўлига» деган шиор қонда бўлиб қолган. Пахтакорларнинг меҳнат шижоати ҳақида ўйлар экансан, бесиҳтиёр киши ёдига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленумида сўзлаган нутқида «Одамларга, уларнинг меҳнатига баҳо берганда, улар об-ҳаво яхши бўлганида ҳам, ёмон келганида ҳам қандай натижаларга эришаётганликларини, уларнинг меҳнат натижалари нақадар барқарор, стабил эканини эътиборга олмоқ керак»— деган гаплари келади.

Бригада етакчисининг ўзи эришаётган ютуқларини шундай изоҳлайди:

— Энг асосийси коллективимиздаги аҳиллиқдир. Бригадамиз аъзолари 45 кишидан иборат. Биз ҳаммамиз Дегантепа қишлоғиданмиз. Пахтамиз мўл бўлса, юзимиз ёруғ, даромадимиз мўмай бўлишини биламиз. Шунинг учун ҳамма далада ҳалол, сидқидилдан ишлайди, бирбирига кўмаклашади, ҳар бир ишни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун жон куйдиради.

Жумабой Қўчқоров бригада илғорлари ҳақида гап кетганда энг аввало механизаторлар Комил Қодиров ва Мамажон Дадаевларнинг номини тилга олади. Механизмлар билан бажариладиган

ЛАВҲА

ишларнинг ҳаммаси улар зиммасида. Айни пайтда бу механизаторлар звено бошлиқлари ҳам ҳисобланишади. Шу боисдан ҳар бир ишга бошқаларга қараганда ҳам жонкуярлик қилишади.

Бригаданинг Тошкент денгизига келиб туташадиган ерлари бешта яхлит пайкалдан иборат. Бригада бошлиғига бу далаларнинг хусусияти, тупроқ шароити беш қўлдек маълум. Ғўза суғориш бошланди дегунча, уни кўпроқ 15 гектарлик пайкалда учратасиз. Чунки, бу ер қиррали. Суғоришда ғоят омилкорлик билан иш тутишни талаб қилади. Бригада сувчилари Шарипбой Тўхлиев, Қурбон Эргашев, Мустафо Рўзибоевлар тажрибали деҳқонлар. Шундай бўлса-да, Жумабой Қўчқоров қирликдаги ғўзаларга сув тарашишини доим назорат қилиб боради, «ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» деганларидек, кўп йиллик касбий қўмсаб, елкасида кетмони билан этат оралаб қолади.

Ғўза — нозик ўсимлик, инсон қалби — ундан анча нозик. Коллектив раҳбари ҳар бир кишининг юрагига йўл топа олсагина ишда унум, барака бўлади. Бу ҳақда бригада бошлиғининг ўзи оғиз очмади. Лекин, оддий колхозчилар гапларига қулоқ тутинг-а;

— Бригадиримизни қишу ёз, эртаю кеч даладан топасиз,— дейди қўш Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Турди Ўринбоева.— Тонг саҳардан пайкалларни бирма-бир айланиб чиқмагунларича кўнгиллари жойига тушмайди. Энг масъулиятли пайтларда — чигит экиш, чеканка ва дефолиацияни ўтказиш, теримга киришиш олдидан бригадамиз аъзоларининг йигилишлари бўлади. Жумабой ака ҳамманинг фикрларини диққат билан тинглайди, ўз мулоҳазаларини ўртага ташлайди. «Маслаҳатли тўй тарқамас» деганларидек, кўпчилик бўлиб белгилаб олинган режалар ҳамиша пухта бўлади.

— Қишлоғимиз кишилари Жумабой ака Қўчқоровни бир неча галдан бери Энгельс қишлоқ Советига депутат қилиб сайлайдилар.—ҳикоя қилади Турсуной Амирматова.— Бу бежиз эмас. Бригадамиз бошлиғи пахтадан мўл ҳосил етиштиришга билим ва тажрибасини аямай сарфлаш билан бирга колхозчиларнинг турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилади. Дала шийпонимиз шинамлиги, дала ишлари бошлангач бу ерда мавсумий ясли ташкил этилишида бригадиримизнинг хизматлари каттадир.

Бу илғор бригаданинг деҳқончилик маданиятини ошириш, ҳар қарич ердан самарали фойдаланиш ва шу каби бошқа бой тажрибаларини таъриф лаш мумкин. Лекин, Жумабой Қўчқоров биз билан суҳбатда:

— Азалдан «деҳқончилик — етти пушти маъмурчилик», дейишади. Узоққа бориб ўтирмай, ўзимдан мисол келтира қолай. Ўтган йили 4500 сўм даромад қилдим. Демак, риқъу-рўзимиз, фаровон ҳаётимиз меҳнатимиздан, етиштираётган пахтамиздан. Шундай экан ерга ҳам садоқатли бўлишимиз керак,— дегандан сўнг бунга ҳожат йўқлигини ҳис этдик.

Етти фарзанднинг отаси Жумабой ака ўғил ва қизларини ҳам заминга садоқат руҳида тарбиялаяпти. Ҳозир унинг икки ўғли колхозда ишлайди. Умр йўлдоши Зуҳра Қўчқорова ҳар йили ипак қурти парвариш қилиб, давлатга 120—130 килограммдан пилла топширади.

Ҳозир деҳқон кўклам ташвишлари оғушида. Бригада бошлиғидан қутлуғ юбилей йилдаги режалари ҳақида сўраймиз.

— Бу йил яна ҳосилдорликни 2 центнерга ошириб, элликцентнерлик хирмон ўйиш ахдидамиз,— дейди Жумабой Қўчқоров лўндагина.

Уларнинг ваъдаларига ишонса бўлади!...

Э. ЭРНАЗАРОВ.

РЕСПУБЛИКАМИЗ БУЙЛАБ

● Қува районидаги «Коммунизм» колхозида 300 номерли **АВТОМАТ ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ** ишга тушди. Телефон станцияси колхоз правлениесини барча дала шийпонлари, сут-товар фермаси ва бошқа олис участкалар билан боғлайди. Ҳозир Фарғона областидаги ҳамма хўжаликларда ички телефон алоқаси йўлга қўйилган.

● **ОТАЛИҚ ЁРДАМИ.** Навоий ГРЭСи мутахассисларидан бир группаси Навоий районидаги «Қизил Узбекистон» колхозига келди. Улар суғориш насосларини, электр двигателларини, бошқа электротехника ускуналарини ремонт қилишда колхозга ёрдам берадилар. Механизаторларнинг буюртмасига мувофиқ энергетиклар дала агрегатларининг эҳтиёт қисмларини тайёрладилар.

● **ЯНГИ БОСМАХОНА.** Бухоро областидаги қоракўлчилик районининг маркази Конимехда янги босмахона фойдаланиш учун топширилди. Кенг ва ёруғ хоналарда замонавий полиграфия машиналари билан таъминланган ҳарф териш, чоп қилиш ва бошқа цехлар жойлашди, ишчилар ҳордиқ чиқариш учун хоналар ажратилди. «Коммунистик Ёнбек» («Коммунистик меҳнат») район газетасининг редакцияси ҳам бу ерга кўчиб келди.

● **КЎЧМА ЗАВОДЛАР.** «Наманганводстрой» трестига қарашли Поп механизациялашган колоннасида кўчма бетон заводи ишга тушди. Бу ерда бир сменада 200 кубометргача бинокорлик материали тайёрланиб, механизациялашган колоннанинг ҳамма объектлари шу материал билан таъминланмоқда. Эндиликда трестнинг барча бўлинмалари еттита кўчма бетон заводи ишлаб турибди. Бу заводлар гидроиншоот қурувчилар учун ғоят қулайдир.

● **КАЛЕНДАРДА 1983 ЙИЛ.** «Сирдарьяводстрой» трестининг ишлаб чиқариш илғорларидан 20 киши 1983 йил ҳисобига ишлай бошлади. Улар орасида Мамед Муродасилов, Владимир Смирнов, Исмоил Давлатов, Ҳотам Йўлдошевлар бор. Улар ҳар куни икки смена нормасини бажармоқда.

● **ҚУРИҚ МАССИВДА.** Шофиркон районидаги Жилвон массивида «Фарғона» деб аталган янги боғдорчилик-узумчилик совхози ташкил қилинди. Хўжаликда иккита бўлим, 10 та бригада бор. Райондаги колхоз ва совхозлардан ўнлаб ёш деҳқонлар янги ерларга кўчиб келишди.

(ЎзТАГ).

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ

8—14 МАРТ

ДУШАНБА

8 МАРТ

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

МТ-I. 9.00 — Время. 9.45 — Жаҳон халқларининг ижоди. 10.15 — Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга. Ольга, Любовь, Александра. Телеочерк. 10.45 — Аёл латофати. Д. Кугультинов, И. Шкляревский, А. Ткаченко, Қ. Кулиевлар ўз шеърларини ўқийдилар. 11.10 — Ёпиқ биноларда енгил атлетика бўйича Европа чемпионати. Италиядан олиб кўрсатилади. 11.45. — Марказий телевидение экранида биринчи марта. Болалар учун бадиий фильм. 13.00 — «Москвичка» телевизион журнали. 14.30 — С. Прокофьевнинг «Тошгул» балети. СССР Давлат академик Большой театрининг спектакли. 16.25 — Мультфильмлар. 16.55 — Балли, қизлар. Ёш химик хотин-қизлар конкурси. 18.55 — Оналаримизни табриклаймиз. Болалар хорининг чиқиши. 19.20 — Ҳаёт бағишловчи. Телевизион ҳужжатли фильм. 20.25 — Аркадий Райкин билан учрашув. 2-фильм. 21.30 — Время. 22.00 — Голубой огонёк.

МТ-II. — 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси. 10.10 — Евдокия. Бадиий фильм. 11.50 — СССР халқларининг V қишки спартакиадасида. 12.20 — Адабий ўқиш. С. Есенин. «Анна Снегина». 13.05 — Бахтиёр болалик. Москва шаҳар болалар бадиий коллективларининг чиқиши. 14.00—Мультфильмлар программаси. 14.40 — Ленин комсомоли мукофоти лауреати қўшиқчи Дин Рид билан Останкино концерт студиясида учрашув. 16.25 — Сильва. Телевизион музикали фильм. 18.45 — СССР халқларининг V қишки спартакиадаси. 19.40 — Премьерадан анча аввал. Киноконцерт. 20.30 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 — Олтин нота. ГДРдан олиб кўрсатилади. 21.30 — Время. 22.00 — «Баҳор». Бадиий фильм.

ЎзТВ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Табрикларимизни қабул этинг. Эстрада программаси. 10.50 — Болалар учун. Оналаримиз байрами. 11.20 — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Ватаним менинг тақдиримда. Муаллима. 11.50— Ноқулай об-ҳаво учун ташаккур. Фильм-концерт. 12.50 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. Жасур оналар. 13.30 — Қизалоқ, фильмда ўйнашни хоҳлайсанми? Бадиий фильм. 18.05 — Мультфильм. 18.20 — Ҳар доим бўлсин, онам! Адабий-музикали композиция. 19.00 — Юрак ҳамиша йўлда. Узбекистон халқ шоираси Зулфия ҳақида ҳужжатли фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Эркаклар кулмаса ҳам бўлади. Телевизион миниатюралар театри. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Гулшан аро гулчеҳралар. Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган Узбекистон санъат усталари ва ижрочи ёшлар концерти.

ЎзТВ-II. 18.20 — Онамга совға. Телефильм. 18.40 — Кеча, бугун ва ҳамиша. Фильм-концерт. 19.40 — Нафтуся. Телевизион ҳужжатли фильм. 20.00 — Бировнинг номидан. Бадиий фильм.

СЕШАНБА

9 МАРТ

МТ-I. 9.00 — Время. 9.45 — Истеъдод. Болалар учун фильм. 11.15 — Ҳайвонот оламида. 12.15 — Арфа садолари янграйди. Фильм-концерт. 12.25 — Сизни нима безовта қиляпти. Теловизион ҳужжатли фильм. 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Қишлоқдаги оддий иш кунлари. Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.05 — Салют, пионерия! Киев Пионерлар саройи болалар бадиий коллективларининг чиқиши. 17.05 — Сиз яратган боғ. 17.35 — СССР халқларининг V қишки спартакиадаси. 18.10 — Мультфильм. 18.35 — Касби — сотувчилик. «Болалар дунёсиининг ёш сотувчилари ҳақида. 19.30 — Концерт. 20.15 — Нима? Қаерда? Қачон? Телевизион викторина. 21.30 — Время. 22.05 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Торпедо».

МТ-II. 9.00—Эрталабки гимнастика. 9.20 — Ихтисослаштириш ва концентрациялаш учун. Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 15.10 — Ота-оналар, Сизлар учун. 10.05 ва 12.05— Француз тили. 10.35 ва 11.15— Табиатшунослик. 10.55 — Қушлар ва ҳайвонлар ўз уясида. 11.15 — Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. 12.40 ва 13.40 — География. 14.10 — В. Шекспир. «Ромео ва Жульетта». 15.20 — Совет даврати ва ҳуқуқи асослари. 15.50 — География. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Дарахтга таъзим эт. Телевизион ҳужжатли фильм. 18.55— СССР халқларининг V қишки спартакиадасида. 19.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 20.30 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45— СССР халқларининг V қишки спартакиадасида. 21.15 — Халқ оҳанглари. 21.30 — Время. 22.05 — Ч. Диккенс. «Эдвин Друд сири», Телевизион спектакль. 1-серия.

ЎзТВ-I. 18.05—Мультфильм. 18.10 — Жонажон ўлка. 18.40 —Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун. Сўз кетидан сўз келар. 19.00 — Меҳнаткашларнинг дам олишига — давлат ғамхўрлиги. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Футбол бўйича XII Халқаро ўсмирлар турнири. ЎзССР—Венгрия. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Музика ҳақида суҳбатлар. 21.30 — Время. 22.05—Кўзилатиш кампанияси — масъулиятли даврда. 22.25 — Генерал жаноби олийларининг адъютанти. Бадиий фильм. 1-серия. 24.00 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 18.15 — Қизиқарли математика. 18.45 — Телефильм. 18.55 — Физика. 19.50 — Баҳоргул. Телефильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 — Меҳрибон қўллар. Телевизион ҳужжатли фильм. 20.50 — Эстетика асослари. Санъат турлари. Адабиёт.

ЧОРШАНБА

10 МАРТ

МТ-I. 9.00 — Время. 9.45— Мультфильм: 10.00 — Ч. Диккенс. «Эдвин Друд сири». Телевизион спектакль. 1-серия. 11.25 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.25 — Концерт. 13.15 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телевизион ҳужжатли фильм. 15.50 — Халқ оҳанглари. 16.05 —Рус тили. 16.35 — Горнчилар, қаердасиз! Таллиндан олиб кўрсатилади. 17.05 — Шахмат мактаби. Рарзядлилар учун. 17.50 — СССР халқларининг V қишки спартакиадасида. Красноярскдан олиб кўрсатилади. 18.30 — Маврикия давлатининг миллий байрами — Мустақиллик кунига. «Маврикия—океандаги орол». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.40 — Касби сотувчилик. 2-кўрсатув. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 19.50 — Телевизион ҳужжатли фильм. 20.40 — Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати. Жуфт бўлиб учиш. Данияндан олиб кўрсатилади. 21.30 — Время. 22.05 — Фильм-концерт. 22.55 — Дунё воқеалари. 23.10 — Илмий-оммабоп фильм.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20—Илмий-оммабоп фильм. 9.35—Концерт. 10.05 ва 12.05 — Немис тили. 10.35 ва 11.35 — Жамиятшунослик. 11.05 — Эстетик тарбия. 12.40 ва 13.40 — М. А. Шолохов. «Ошга ўртоқ, бошга тўқмоқ». 14.10 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 14.40 — Рей Брэдбери асарлари саҳифаларида. 15.25 — Усимликларни муҳофаза қилиш. Ўқитувчи экрани. 15.50— Тарих. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Болалар бадиий коллективларининг концерти. 19.30 — СССР халқларининг V қишки спартакиадасида. 20.00 — Спорт ҳафталиги. 20.30 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 — Халқаро панорама. 21.30 — Время. 22.05 — Ч. Диккенс. «Эдвин Друд сири». 2-серия.

ЎзТВ-I. 18.00—Мультфильм. 18.30 — «Тенгдош». 19.00 — КПСС Марказий Комитети ноябрь (1981 йил) Пленуми қарорлари — ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.45 — Боғбонларнинг баҳорги юмушлари. 20.00 — Турмуш ва маданият. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Бугун оламда нима гап! 22.20 — Генерал жаноб олийларининг адъютанти. Бадиий фильм. 2-серия. 23.40 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 18.15 — Болалар учун фильм. 18.45 — Абитуриентлар учун. Математика. 19.45 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Реклама. 20.40 — Телефильм. 20.50 — Эстетика асослари. 21.30 — МТ-II

ПАЙШАНБА

11 МАРТ

МТ-I. 9.00 — Время. 9.45 — Горнчилар, қаердасиз! 10.15— Ч. Диккенс. «Эдвин Друд сири». 2-серия. 11.55 — Ишлаб чиқариш гимнастикаси. 12.25— Концерт. 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар программаси. 15.45 — Усмирлар учун музикали программа. 17.55 — СССР халқларининг V қишки спартакиадасида. 18.45 — Милиционлар ленинча университети. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 Инсон ва қонун. 20.00 — Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати. 21.30 — Время. 22.05 — Дўстларимиз чехраси. 22.50 — Дунё воқеалари. 23.05 — Фильм-концерт.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20—Илмий оммабоп фильм. 9.35 ва 13.05 — Сиз яратган боғ. 10.05 ва 12.05 — Испан тили. 10.35 ва 11.35 — Умумий биология. 11.05 — Ҳунартехника билим юртларининг ўқувчиларига. Тарих. 12.40 ва 13.45 — Зоология. 13.35 — Илмий-оммабоп фильм. 14.10 — Людвиг ван Бетховен. 14.55 — Таниш. Бадиий фильм. 16.30 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — СССР халқларининг V қишки спартакиадасида. 19.15 — Фильм-концерт. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.50 — Халқ ижоди. Телевизион кўрсатув. 21.30 — Время. 22.05 — Ч. Диккенс. «Эдвин Друд сири». 3-серия.

ЎзТВ-I. 11.30 — Зоология. 12.00 — Телевизион ҳужжатли фильм. 12.30 — Зоология. 15.00 — Футбол бўйича XII халқаро ўсмирлар турнири. Финал. «Старт» стадионидан олиб кўрсатилади. 16.35 — Болалар учун фильмлар. 17.10 — «Кўшиғим, жон қўшиғим». 17.50 — Узбекистон комсомолининг XXII съезди олдидан. «Ёшлик» студияси кўрсатади. 18.20 — Фан уфқлари. 18.50— Баҳорнинг энг узун куни. Фильм — манзаралар. 19.30— Ахборот. 19.45 — Адабий альманах. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 22.05 — «Озод Ватаним ортсин шонш-шуҳратинг». СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган иттифоқдош республикалар телевизион фестивали. Киргизистон телевидениесининг программаси.

ЎзТВ-II. 18.10 — Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 19.10 — Телевизион ҳужжатли фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Телефильм. 20.30 — Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 21.30—МТ-II.

ЖУМА

12 МАРТ

МТ-I. 9.00 — Время. 9.45 — Усмирлар ижоди. 10.30 — Телевизион спектакль. 11.55 — Ҳужжатли фильм. 12.25 — П. Чайковский «Иоланта» операсидан парчалар. 12.55 ва 15.00 Янгиликлар. 15.15 — Илмий-оммабоп фильм. 15.35 — «Звездочёт». 16.20 — Москва ва москваликлар. 16.50—«Эртак ҳузурида меҳмонда». «Уч бақалоқ». Бадиий фильм. 18.35 — СССР халқларининг V қишки спартакиадаси. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30— «Ҳамдўстлик» телевизион журнали. 19.55 — «Химоя учун сўз». Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати. Эркаклар. 23.05 — Дунё воқеалари. 23.20 — Совет композиторларининг қўшиқлари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 13.10 — «Революцион плакат». 10.05 ва 12.05 — Инглиз тили. 10.35 ва 11.35 — Музика. 11.05 — Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Умумий биология. 12.40 ва 13.40 — Қуёш хазинаси. 14.10 — Бил ва уддала. 14.55 — Н. Грибачёв поэзияси. 15.25 — География. 15.55 —Зоология. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Киносаёҳатчилар клуби. 19.45 — Автомобиль спорти ҳақида. 20.30 — Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 — Хореографик поэма. 21.00 — СССР халқларининг V қишки спартакиадасида. 21.30 — Время. 22.05 — Телевизион спектакль.

ЎзТВ-I. 11.30 — «Мишка-сехргар». 12.00 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 12.30 — Рус адабиёти. 13.00 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 13.30 — «Замандас» программаси. 18.00 — Мультфильмлар. 18.30 — «Ёшлик». 19.00 — Ҳаёт каби тирик. 19.45 — Замин — бизнинг бойлигимиз. 20.05 — Фильм-концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Дунё воқеалари. 22.35 — Генерал жаноб олийларининг адъютанти. Бадиий фильм. 3-серия. 00.10 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II 18.15 — Инжиқ малика. Мультфильм. 18.35 — Абитуриентлар учун. Она тили. 19.05 — Физика. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ўқитувчилар учун консультация. 20.50 — Ҳужжатли фильм. 21.00— Шундай аёллар яшайди. 21.30 — МТ-II.

ШАНБА

13 МАРТ

МТ-I. 9.00 — Время. 9.45 — АБВГДейка. 10.15 — Телевизион спектакль. 11.50 — Оталар, Сизлар учун. 12.20 — «Спортлотонинг 11-тиражи. 12.25 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. Ҳужжатли фильм. 14.05 — 12.55 — Концерт. 13.15 — Музей ва кўргазма заллари бўйлаб. 14.30 — Мўъжизасизмўъжизалар. 15.30 — Дунё воқеалари. 15.45 — Болалар учун қисқа метражли бадиий фильмлар. 16.45 — Фан оламида. 17.30 — Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати. 18.00 — Янги мультфильм премьераси. 18.10 — СССР халқларининг V қишки спартакиадасида. 18.40 — Фильм-спектакль. 21.30—Время. 22.05 — Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати. Спорт рақслари. Эркин программа. 23.35 — Янгиликлар.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 9.25—Ҳужжатли фильм. 9.45 — Тонгги почта. 10.15 — Адабий ўқиш. «Катта сув». 10.55 — Концерт. 11.55 — Ҳужжатли фильм.

ЎзТВ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — «Тўйна». Телевизион миниатюралар театри. 10.55— Инсон болаликдан бошланади. 11.25 — Фильм-концерт. 11.40 — Кинопублицист экрани. 12.30 — «Шахмат мактаби». 13.00 — «Гамлет». Бадиий фильм. 1-серия. 18.05 — Болалар учун мультфильм. 19.00 — «Шоирлар — болаларга». 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Адабий-музикали композиция. 21.30 — Время. 22.05 — Экишга ҳамма нарса шаймй? 22.25 — «Генерал жаноб олийларининг адъютанти». Бадиий фильм. 4-серия.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ЯКШАНБА

14 МАРТ

МТ-I. 9.00 — Время. 9.45 — Концерт. 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 12.30 — Здоровье. 12.45 — Тонгги почта. 13.15 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — Музикали киоск. 15.00 — Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати. Хотин-қизлар. 16.00 — Фильм-спектакль. 17.35 — Киносаёҳатчилар клуби. 18.35 — Мультфильм. 18.55 — Халқаро панорама. 19.40 — СССР Халқларининг V қишки спартакиадаси. 20.10 — Телевизион фильм. 21.30 — Время. 22.00 — Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати. 24.00 — Янгиликлар.

МТ-II. 9.00 — Зарядкага сафланинг! 9.20 — Илмий-оммабоп фильмлар программаси. 9.45 — Балли, буважонлар! Телевизион бадиий фильм. 11.00 — Ҳайвонот оламида. 12.00 — Бу фантастик олам. Адабий викторина. 13.05 —Мухбирларимиз ҳикоя қилдилар. 13.35 — Эртак ҳузурида меҳмонда. «Уч бақалоқ». Бадиий фильм. 15.20 — Муаммолар — изланишлар—етимлар. 16.40 — Футбол бўйича СССР кубоги. 1/8 финал. 17.25 — Екутистон АССР бадиий коллективларининг чиқиши. 17.55 — Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. Бизнинг биография. 10-кўрсатув. 18.55 — «Строговлар». Телевизион бадиий фильм. 5-серия. 20.00— Эрмитаж. 22-фильм. 20.30 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 — Концерт. 21.00 — СССР Халқларининг V қишки спартакиадаси. 21.30 — Время. 22.00 — «Ёз ҳам тугаб қолди». Телевизион бадиий фильм.

ЎзТВ-I. 10.10 — Концерт. 11.40 — Мультфильм. 12.00 — Кувноқ стартлар. 13.00 — Гамлет. Бадиий фильм. 2-серия. 14.10 — Эркин кураш бўйича ўсмирлар ўртасида СССР биринчилиги. 14.40 — Светофор. 15.40 — Реклама. 18.05 — Болалар учун мультфильм. 18.15 — Санъат тунчалари. 18.45 — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VII халқаро Тошкент кинофестивали олдидан. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телевизион миниатюралар театри. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ака-ука Ваҳобовлар куйлайди. 21.30 — Время. 22.00 — Шаҳсий мулоҳаза. Бадиий фильм. 23.20 — Кўрсатувлар программаси.

ҚИРГИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЎЗ ВАҚТИДА КЎРСАТИЛГАН ЖУДА МУҲИМ ТАШАББУСЛАР

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ядро урушига қарши даъват этилган мурожаатнома авторлари — япон ёзувчиларига жавобида Совет Иттифоқининг тинчлик ташаббуслари баён этиб берилган. Дунёдаги турли мамлакатлар жамоатчилигининг вакиллари ва чет эл оммавий ахборот воситалари ана шу ташаббуслар ўз вақтида кўрсатилган ва жуда муҳим ташаббуслар эканлигини қайд этмоқдалар.

● **ТОКИО.** Япония демократик жамоатчилигининг Токиода бўлиб ўтган оммавий митингида Л. И. Брежневнинг жавоби ўқиб эшиттирилди. Юзлаб ёзувчилар, олимлар, тинчлик ҳаракати активлари Л. И. Брежневнинг «Совет Иттифоқи ядро фалокатининг олдини олиш учун, бутун дунёда тинчлик учун, кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш учун қатъиятли ва изчил курашчи бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва ҳамиша шундай бўлиб қолади» деган сўзларини қизғин қарсаклар билан кутиб олдилар.

Таниқли публицист Кодзи Накано пойтахтдаги «Нихон Киоику Кайкан» залида йиғилган кишиларга мурожаат қилиб, ядровий қуролланиш пойгаси, нейтрон бомба ва оммавий қирғин қуролларининг бошқа турларини ишлаб чиқиш халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги ишига жиддий таҳдид солаётганлигини таъкидлади, Вашингтон тиқиштираётган ва «чекланган» ядро уруши деб аталган машъум ғояни қатъиян рад этди.

Митингда таниқли япон олими Н. Ито яллиқ тинчликка эришиш йўлидаги фаолияти учун Л. И. Брежневга чуқур миннатдорчилик изҳор этди. У қуролланиш пойгасини жиловлаш, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш проблемаларига СССР конструктив ёндошаётганлигига юксак баҳо берди.

СССРнинг тинчликни ҳимоя қилиш ишидаги конкрет ташаббуслари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир, деди мурожаатноманинг авторларидан бири, ёзувчи Масамото Нацубори ТАСС муҳбири билан суҳбатда. Ана шу ташаббуслар Совет Иттифоқи ҳозирги замоннинг ғоят зарур вазифасини ҳал этишга — планетамизда мустаҳкам тинчликни таъминлашга астойдил ҳаракат қилаётганлигидан далолат беради.

● **ГАВАНА.** Кубанинг таниқли олими ва жамоат арбоби Куба—Совет дўстлиги уюшмасининг раиси Сойло Маринельо қуйидагиларни айтди: Л. И. Брежневнинг япон ёзувчиларига жавобида баён этилган фикрларни кубаликлар қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Совет раҳбари ҳатто «чекланган» мақсадларда бўлса ҳам ядро қуролини қўлланишга йўл қўйиш мумкинлиги тўғрисидаги ғоянинг ўзи телбаликдир, деди. Биз унинг шу нуқтаи—назарига батамом қўшиламиз. СССРнинг инсонпарварлик сиёсати қуролланиш пойгасининг янги даврасини авж олдираётган Рейган маъмурияти авантюристик йўлининг мутлақо аксидир, деб таъкидлади у.

(ТАСС).

МУЛОҚОТ ВА ҲАМКОРЛИК ЗАРУР

ВЕНА. Австрия ички ишлар министри Э. Ланц қуролланиш пойгасини тўхтатиш Шарқ билан Ғарбдаги барча давлатлар ўртасида иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни кенгайтириш кераклигинй айтди. У «Цукунфт» журналида эълон қилинган мақоласида қуйидагиларни таъкидлайди: Европа гуллаб яшнаётган қитъа бўлиши мумкинлиги, аммо бунинг учун Европа мамлакатлари ўртасида қалин сиёсий ва иқтисодий алоқалар зарурлиги фактига асосланиш керак. Совет Иттифоқи билан ГФР ўртасида тузилган «газ-қувурлар» битимини шундай ҳамкорлик рамзи ҳисоблаш мумкин.

Министр иқтисодий ва сиёсий манфаатларнинг чамбарчас боғланиши қуролсизланиш тўғрисидаги музокараларни муваффақиятли олиб бориш учун ғоят зарур бўлган Шарқ билан Ғарб ўртасида ишонч вазиятини вужудга келтиришга ёрдам беради. Мустаҳкам тинчликни таъминлашга ва кескинлик юмшатилишини чуқурлаштиришга қаратилган оқилона сиёсатгина инсониятнинг бахт-саодати йўлида хизмат қилади,

● ТОШКЕНТ чинни заводида бу йил 36 миллиондан зиёд чинни буюмлар ишлаб чиқариш мўлжалланган.

Суратда: рассомлик цехининг пешқадам ишчиси Н. Мирзарахимова иш устида.

В. Скроткин фотоси.

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

КОМПОЗИТОР ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАБ

Ўзбек совет музика маданияти тараққиётига композитор Б. И. Зейдман ўзидан бой ижодий мерос қолдирди. У яратган опера, балет ва симфониялар театр ва концерт ташкилотлари программаларидан кенг ўрин олди.

Устоз санъаткор умрининг охирида ўзининг саккизинчи симфониясини ёзиб тугатган эди. Унинг ижодида муҳим ўрин тутган бу йирик асарда ҳам ижодкор бадиий услубининг ўзига хос манералари, лирик оҳанглар, музикали лавҳа ва образларда ёрқин намоён бўлди. Симфонияда автор ички кечинмалари, тотли туйғулари тараннум қилинган эди.

Ана шу нафосатга тўла асар яқинда Ўзбекистон ССР Давлат симфоник оркестри репертуаридан ўрин олди. Композитор хотирасига бағишлаб оркестр томонидан берилган ўша концертда Б. И. Зейдманнинг «Граф Монте-Кристо» балетидан сюиталар ҳам ижро этилди.

ИЛМИЙ ДОКЛАДЛАР

Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтида ҳар хил фанларга оид кўпгина секциялар ишлаб турибди. Олий ўқув юртларининг рус тили кафедраси ҳузурида бундай секция ташкил этилганига беш йил бўлди.

Улуғ Ленин тили — қудратли рус тилини янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида қатор амалий машғулотлар ҳам ўтказилмоқда. Бунинг учун турли техника воситаларидан кенг фойдаланилмоқда.

Студентлар машғулотлар давомида илмий докладлар ёзишга ҳам даъват этилаётир. Атоқли сўз санъаткорлари ҳақида ҳикоя қилувчи ёзма ишлар ҳам тайёрланди. Г. Гейне, М. Турсунзода, В. Моцарт каби машҳур ижодкорларга бағишланган докладлар яқинда студентларнинг илмий конференциясига тақдим қилинди.

А. АЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

СЎЗЛАР ХАЗИНАСИ ЕТМАС МАДҲИНГГА

— Элимизда байрам шодиёналари кетма-кет келаверади. Лекин уларнинг барчасидан энг муборак, қутлуғи ва ардоқлиси — 8 Март, бутун дунё хотин-қизларининг севимли байрами кунидир. — «Оналар — парвоналар» мавзуидаги иншосини 10-синф ўқувчиси Севара шундай бошлабди. — Онажоним! Мунисгинам! Нимадан бошлаб, нима билан тугатай мақтовингизни. Қалб кўри, кўз нурингиз бизга сарф бўлди десам юз бор ҳақлиман. Неча-неча кунларин кундузга улаб, азият чекиб боққанингиз-чи?!

Севара отасидан эрта етим қолган эди. Онаси Хатми опа Севара билан унинг акаси Бобирхонни бир кўзлаб вояга етказди. Уларни ёшлигидан бошлаб меҳнатга, ўртоқларига самимий, чин дўст бўлишга ўргатди. Ўзи емай едирди, оқ ювиб, оқ таради. Фарзандлар ўқишдан бўш вақтларида онанинг ишларига қарашиб юришди.

Эсимда, Севар қиз (Тошкентдаги 169-мактабда адабиётдан дарс берган пайтимда ўқитувчилар уни севиб шундай деб чақиришарди) 2-синфда ўқиётганида ҳам оналар байрамида залдагиларни ҳаяжонга солиб, шеър ўқиган, ўз донолиги билан онажонисини ҳам шод қилганди.

Эрта турар ким,
Қушчалар балким
Е турасан сен
Кўз очиб секин.
Йўқ, турар бўлсанг,
Онажонгинанг.
Азиз ғамхўринг
Жонажонгинанг.
Чой қўяр туриб
У эрталабга.
Кеч қолмасин деб
Болам мактабга...

Севара иншоси давомида барча аёлларнинг шу фаровон элимизда тутган ўрни, жасоратли меҳнати ҳақида фикрлайди, онасидан умрбод қарздор эканлигини юракдан баён этади.

Бошқа ўқувчилар ҳам она ҳақида жўшиб куйлаганлар. Дилдора исмли қизимиз шундай ёзади:

Қуёш меҳрин эмган
оналар,
Қуёш каби меҳри беғоён,
Она билан Ер нафас
олар,
Она билан ярқироқ осмон.

Оналар! Қандайин меҳри дарёсиз! Гоҳида сизларни қуёшга тенглаймиз. Чунки бизга қуёшсиз яшай олмаганимиздек, сизсиз ҳам яшолмаймиз. Бизга қуёш нурлари қанчалик зарур бўлганидек, сизнинг меҳр нурларингиз ҳам шунчалик зарур. Эзилган бағри хун, мушфиқ оналар. Улар ўтмишда тўрт девор ичида қафасга солинган қуш каби яшар эдилар.

Оналаримиз бундай ҳаётга бефарқ қарай олмадилар. Улар қоронғу турмушга қарши, рўдапо паранжига қарши кескин курашдилар. Бу курашда қанчалари қурбон бўлди уларнинг.

Замонлар ўтиб аёлларимиз зулмат қоронғулигидан ёруғлик сари интилдилар. Уларнинг орзуси рўёбга чиқди. Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонди. Оналаримиз озодликка чиқдилар. Улар эрлар қатори социализм қурилишида меҳнат қилдилар, фарзандларини тарбияладилар, мурғак қалбларда халққа, Ватанга муҳаббат ҳиссини уйғотдилар...

Оналаримиз — ҳаёт булоғи. Ахир дунёни ўзининг ақл-заковати билан нурафшон қилган, қураш тўлқинларига раҳнамо бўлган Владимир Ильич Ленинни ҳам ана шу улуғ зот — Она яратган-ку! Ҳаётини халқ бахти йўлига бахш этган қаҳрамонлар, фазокорларга ҳам она юрак берган, жон берган, бизни илк бор ҳаётни кўра билишга, уни сева билишга ўргатган.

Агар онажонларимизнинг бизни тарбиялаб вояга етказгунча қанча-қанча азоб чекканларини эсласак, бир умрга улардан қарздор эканлигимизга шубҳа қилмаймиз. Лекин ана шу мўътабар инсонни ҳурмат қилмайдиганлар ҳам топилади баъзида. Ҳа, ишонаверинг. Бундайлар қандай қилиб катта бўлганларини, ўзларини ким камол топтирганини ёдларидан чиқариб қўйишса керак. Ҳар бир қўпол сўз, ножўя ҳатти-ҳаракат мунис она қалбига қанчалик қаттиқ ботишини ўйлашмас балки.

Ҳамма қилғингни
кўтарадн у,
Не қилсанг аламин ютади
тошдек.
Аммо вақти келиб кўзини
мангу,
Юмганда кўзларинг
очилар мошдек.

Шунда, аттанг, дейсан,
лекин фойдасиз,
Гуноҳинг ўзингга бўлади
аён.

«Қадрингга етмадим
онажон нетай?»,
Дейсан-да, сочингни
юласан чандон.

Онажонларимизни ҳаётлигида ҳурмат қилайлик, эъзозлайлик. Ахир, биз учун онадан ҳам азиз инсон йўқ-ку дунёда.

Азиз онажонлар! Биз сизнинг қаршингизда умрбод қарздормиз. Қўлимиздан келса-ю, осмондаги юлдузлардан маржонлар ясаб, бўйнингизга тақиб қўйсак. Бу ҳам камлик қилади, менимча».

Шерзоднинг иншосидан қуйидаги сатрларни ўқиш мумкин:

«Мен онамдан жуда эрта етим қолганман. Ҳозирги онам — иккинчи онам (ули ўғай она дейишга асло тилим бормайди). Ҳаммамизни, биз онамиздан 6 фарзанд қолгандик, ардоқлаб ўстирди. Оқ сут бериб боқмади, аммо меҳр сутини ичирдилар десам, муболаға бўлмас. Ўзгалар фарзандини болам, деб ўз бағрига олиш, улар камолотига ҳисса қўшиш ҳам жасорат бўлса керак, менимча. Бундай қилиш ҳам фақат аёллар — оналар қўлидан келаркан. Офарин Сизга, онажоним! Бахтимизга доимо омон бўлинг. Сиз ҳақингизда «Бир кеча бедорлиги умрингга тенг» деб созандалар куйлашганидек, умрим бўйи сизга хизмат қилишга, ҳурматингизни жойига келтиришга тайёрман, онажон!».

Ҳурматли онахонлар! Опа-сингиллар! Ўқувчи болажонларимизнинг айрим иншоларидан келтирилган ушбу сатрлардаги қалб сўзларини барча фарзандларингизнинг байрам табриги сифатида қабул этсангиз.

А. ҲАСАНОВА,
ТошДУ педагогика кафедраси доценти.

КАМОЛОТ САРИ

ЕШ ОЛИМЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Сўнгра у 1966 йили Тошкентга қайтиб, аввал пахта целлюлозаси химияси ва технологияси илмий-текшириш институтида, кейин Тошкент политехника институти химия-технология факультетининг органик химия кафедрасида катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлай бошлади.

Кафедра раҳбари, профессор, химия фанлари доктори Аҳмад Баратович Қўчқоров ёш олимда юксак истеъдод ва илмий ишга раҳбарлик қилиш қобилияти борлигини сезиб, барча имкониятларни яратиб берди. Асфандиёр аспирантлар группасига раҳбар қилиб тайинланди. Ўзига топширилган ишнинг масъулиятини тушунган олим дастлабки кунданоқ ходимларига аниқ илмий темаларни белгилаб берди. Шогирдларидан ҳеч қачон ёрдамини аямади. Икки-уч йил ичида унинг раҳбарлигида Дилбархон Ҳамдамова, Абдураҳмон Қурбонов, Ҳилола Қўчқорова ва бошқалар кандидатлик диссертациясини ёқладилар. А. Аловуддиновнинг ўз шогирдлари билан биргаликда ихтиро қилган ионалмашгич смолалари халқ хўжалигида катта самаралар бермоқда.

Интилувчанлик бор жойда муваффақият бўлаверар экан. А. Алавуддинов институтда талабаларга билим бериш билан бирга ўз устида тинмай ишлади. Ў қадрдон катта фан даргоҳи — Д. И. Менделеев номли кимё-технология институти олимлари билан алоқани тобора мустаҳкамлаб борди. Улардан маслаҳатлар олиб тадқиқот ишларини давом эттираверди. Бу ғайрат ва ҳаракатлар зое кетмади. Яқинда Москвадан хушхабар келди. Ҳамкасблари Асфандиёрни фан доктори деган шарафли унвон билан қутладилар.

Бу қувонч ёш олимга қанот бағишлади. У ўз билимидан бошқаларни ҳам баҳраманд бўлишини истарди. Дарсликлар яратишга киришди. Олимнинг фаргоналик ҳамкасблари — Камолиддин Тўйчиев, Мамажон Номозов билан ҳамкорликда яратган «Органик кимёдан кичик практикум» китоби студентлар учун умумий қўлланма бўлиб қолди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси Мирхожи Асқаров ва кимё фанлари доктори профессор Ботир Ойхўжаевлар Асфандиёрнинг ўткир билими, юксак истеъдодини ҳисобга олиб уни ўзлари билан ҳамкорликда полимерлар ҳақида дарслик яратишга даъват этдилар. Шу тариқа студентлар учун «Полимерлар химияси» дарслиги ҳам вужудга келди ва ўтган йили «Ўқитувчи» нашриётида чоп қилинди.

А. Аловуддинов 80 дан зиёд илмий мақола автори сифатида ҳам ҳамкасблари орасида эътиборга сазовор. Унинг бир неча тадқиқотлари авторлик гувоҳномасига сазовор бўлган.

Олимнинг келгуси режалари янада улкан. У талабаларга билим бериш билан бирга фан сирларини эгаллаш йўлида сидқидилдан ишланаётган ёшларга ҳамон устозлик қилмоқда. Уларни ҳам янги-янги довонларни эгаллашга чорламоқда.

Х. КАРИМОВ,
Тошкент политехника институти доценти.

БЕБАҲО МЕРОС ТАРҒИБОТЧИЛАРИ

Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш Тошкент шаҳар жамияти кенгаши бебаҳо меросни кенг оммалаштириш борасида ибратли тадбирларни амалга оширмоқда. Кенгаш йўли билан шу мавзуда кейинги бир йил ичида 2600 га яқин лекция, суҳбатлар ўтказилди.

Маданий мерос ҳақидаги билимларни тарғиб қилишда жамиятга қарашли халқ университетларининг ҳам роли катта бўлмоқда. «Ёш ленинчи» ўлка халқ университетида бу борада бой тажрибалар тўпланди.

Мазкур университет қадимий ва гўзал Тошкентнинг 2000 йиллигига ҳам қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Шаҳар тарихини ўрганиш юзасидан бирмунча ишлар қилинди.

Университетнинг Фрунзе ва Сергели районларидаги филиаллари ҳам шонли юбилей олдидан қатор ибратли тадбирларни белгилади. Уларнинг айрим машғулотларини шаҳримиздаги музей залларида ўтказишга киришилди.

А. АКБАРОВ.

КАСБИ НОЗИК КИШИЛАР

РАҲМАТ, УСТА!

Одатдагидан анча барвақт уйғонган С. Зиёдуллаев кўл соатига қаради.

— Э, аттанг, соат тўхтаб қолибди-ю, шу вақтда кимдан соат сўрадим энди, — ҳаёлидан ўтказди у. Соат мурватини бураб ишлатмоқчи бўлди, лекин бунда ҳам натижа чиқмади.

Тошкентга Нарпай район халқ маорифи бўлимидан командировкага келган С. Зиёдуллаевга эрталабдан иши юришмагани оғир ботди. Ахир у куни билан турли вақтларда хизмат вазифасини бажариши, тошкентлик ўртоқлар билан учрашиши керак эди.

«Тошкент» меҳмонхонаси биносига жойлашган шаҳар «Техсложбитпром» бирлашмасига қарашли 4-устахона мастери Р. Исҳоқов самарқандлик меҳмоннинг ташвишини енгиллатди. У тез фурсатда соатни тузатиб, эгасига қайтарди.

— Меҳмонхонада одамлар кўп кун тўхтамайди. Шунинг учун соатларни тезда ремонт қилишга одатланганмиз,— дейди Р. Исҳоқов.—Бу ишимиздан ҳатто Тошкентга келувчи айрим чет эллик меҳмонлар ҳам мамнун бўлишяпти.

Шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли махсус курсни тамомлаган Р. Исҳоқов мана ўн беш йилдирки шу касбда. У тузатган соатлар узоқ муддат аниқ ва бенуқсон ишламоқда. Устахонадаги шикоят ва таклифлар дафтарига ёзилган кўплаб кишиларнинг раҳматномалари дан ҳам буни билса бўлади. Моҳир уста ўз иш фаолияти давомида намунали хизмати туфайли фахрий ёрлиқлар, пул мукофотлари билан тақдирланган.

Қ. ҒУЛОМОВ.



Суратда: «Университет»нинг Рига армянчилари билан учрашув пайти.

Ф. Қурбонов фотоси. (ЎзТАГ).

Спорт

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

«ПАХТАКОР» НИМЧОРАК ФИНАЛДА

● СССР кубоги учун группаларда ўтказилган ўйинлар ниҳоясига етди. Тошкентлик футболчилар Ереван зонасида қатнашиб, жами 5 та ўйин ўтказишди. 3 тасида ғолиб келиб, 2 тасини дуранг қилишди. Пахтакорчилар охирги кун Никополнинг «Колос» командасини 1:0 ҳисобида мағлуб этдилар ва 8 очко тўплашди. ЦСКА билан «Арарат» учрашувида ҳисоб очилмади. Шундай қилиб бу зонадан «Арарат» ҳам навбатдаги босқичда қатнашадиган бўлди.

ХАЛҚАРО ТУРНИР

● Тошкент ва пойтахт области стадионларида ўсмирлар ўртасида XII халқаро анъанавий турнир давом этмоқда. Иккинчи кун СССРнинг биринчи терма командаси Финляндия футболчиларини 5:0 ҳисобида енгди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Чехословакия — Ўзбекистон — 2:0, Руминия — Грузия — 0:1, СССРнинг иккинчи командаси — Венгрия — 0:0.

ҲАММАСИДА ҒАЛАБА

● Тошкент Давлат университети баскетболчилари барвақт олий лигага йўлланма олганлигини хабар қилган эдик. Ҳамшаҳарларимиз финалчиларнинг баҳслари тугашига икки тур қолганда ниятларига етган эдилар. Спортчиларимиз Хабаровскнинг «Локомотив» командасини 87:85 ва сўнгги кун Таганрогнинг «Красний котельщик» клубини 107:85 ҳисобида маглубиятга учратишди. Шундай қилиб, тошкентликлар ўз майдонларида ўтказилган 7 та ўйиннинг ҳаммасида ғолиб келишди.

Реклама ва эълонлар

ТУРИЗМ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ

«ЧИМЕН» ТУРИСТИК КОМПЛЕКСИГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Тоғли Чимён водийси ҳақида кўплаб шеърлар ва проза асарлари, унинг ноёб табиати, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ҳақида юзлаб илмий ишлар ёзилган. Бу водий Тошкентнинг шимолий-шарқида, 80 километр олисликда, денгиз сатҳидан 1650 метр баландликда жойлашган.

Бу ерда 9 қаватли «Чимён» туристлар меҳмонхонаси очилган, унда аъло даражада дам олиш учун барча шароитлар мавжуд: меҳмонлар ҳамма қулайликлари бўлган 2—3—4 ўринли номерларда жойлашадилар, туристик комплекс ресторанида овқатланадилар. Меҳмонхонада кутубхона, кино зали бор.

Чимён водийси қишда айниқса гўзал. Арқон-бугель ва буксир йўллари чанғичиларни тезда тоғ тепаликларига элтиб қўяди. Бу ердан улар яхши текисланган трасса бўйлаб чанғида тушишлари мумкин. Чанғида сайр қилиш, ёки чанада учиш учун маршрут танласа ҳам бўлади.

МЕҲМОНХОНАНИНГ ПРОКАТ ПУНКТИДАН ЧАНҒИ, БОТИНКА, ТУРИСТЛАРНИНГ САФАР АНЖОМЛАРИНИ ИЖАРАГА ОЛИШ МУМКИН.

ТУРИСТЛАРНИ ДАРАЛАРГА, ШАРШАРАЛАРГА ВА БУЛОҚЛАРГА, ЧОРВОҚ СУВ ОМБОРИГА ҚИЗИҚАРЛИ САЁҲАТ МАРШРУТЛАРИ ҚУТМОҚДА.

Туристик путёвкалар олиш учун 33-67-03, 32-34-40 рақамли телефонлар орқали мурожаат қилинг.

КОЛХОЗЧИЛАР, СОВХОЗ ИШЧИЛАРИ, ХИЗМАТЧИЛАР ВА ГРАЖДАНЛАР

ДИҚҚАТИГА!

ОБЛАСТЬ МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИНИНГ ТАЙЁРЛОВ КОНТОРАЛАРИ

қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини қабул қилиш учун

ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШГА КИРИШДИЛАР

Шартнома тузган шахслар, юмшоқ ва қаттиқ таралар билан таъминланадилар, зарур бўлиб қолган тақдирда эса шартномада келишилган пул кийматининг ўсимлик маҳсулотлари бўйича 30 процентгача ва чорвачилик маҳсулотлари бўйича 50 процентгача ҳажмида аванс пули берилади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТОПШИРИШ ЮЗАСИДАН РАЙОН ТАЙЁРЛОВ КОНТОРАЛАРИ БИЛАН ШАРТНОМА ТУЗИНГ!

МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МАТЛУБОТ ЖАМИЯТИНИНГ ТАЙЁРЛОВ БОШҚАРМАСИ.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

7—15 МАРТ КУНЛАРИ

Халқаро ва Бутуниттифоқ конкурслар лауреати, Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

«ПЕСНЯРИ» ВОКАЛЬ-ЧОЛГУ АНСАМБЛИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Белоруссия ССР халқ артисти Владимир МУЛЯВИН.

КОНЦЕРТЛАР: 7, 8, 13, 14-март соат 14, 17 ва 20.00 да; 9, 10, 11, 12, 15 март соат 17 ва 20.00 да бошланади.

Билетлар Марказий «ЮБИЛЕЙ» спорт зали ва «ЎЗБЕККОНЦЕРТ» кассаларида сотилмоқда.

Марказий «ЮБИЛЕЙ» спорт зали кассалари ҳар куни соат 10 дан 19.00 гача; «ЎЗБЕККОНЦЕРТ» кассалари эса соат 14 дан 20.00 гача ишлайди.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

46-03-13, 46-07-53 телефонлари бўйича справкалар олиш мумкин.

Концерт кунлари спорт зали олдига қатнайдиган транспортлар кўпайтирилади ва шахсий транспорт учун тўхташ жойи ташкил этилади.

Телевидение

6 МАРТ

МТ-I. 9.00 — Время. 9.40 — Моҳир қўлар. 10.10—Ота-оналар, сизлар учун. 10.40—«Спортлото»нинг 10-тиражи. 10.45 — Советлар ва ҳаёт. Кўрсатувда Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Е. Поляков иштирок этади. 11.15 —Ғолиблар. Фронтдошлар клуби. 12.45 — Сиз бунга қодирсиз. Ихтирочилар конкурси. 13.30 — Ҳайвонот оламида. 14.30—Дунё воқеалари. 14.45 — Болалар учун фильм. 16.15 —Телевизион ҳужжатли фильм. 16.30 — Ҳаётга йўлланма. 17.15 — Мультфильмлар программаси. 17.45 — Сиёсий шарҳловчи В. А. Вознесенский суҳбати. 18.15 — Концерт. 19.15 — Бирдан-бир эркак. Телевизион бадиий фильм премьераси. 1—2 серия. 21.30 — Время. 22.05 — Кинопанорама. 00.05 — Янгиликлар.

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 9.25 — Ҳужжатли фильмлар программаси. 10.10 — Музикали программа. 10.40 — Оловга таъзим эт. Бадиий фильм. 12.05 — Опера билан учрашув. А. А. Вивальди. «Шиддатли Орландо». Вероне шаҳар опера театрининг спектакли. 14.35 — Телевизион ҳужжатли фильм. 14.50 — Нима, қаерда, қачон. Телевизион викторина. 16.10 — Гувоҳлар ва ҳужжатлар қоралайди. Сальвадор ҳунтасининг жиноятлари ва АҚШнинг Сальвадор ишларига аралашуви ҳақида.

Қирғизистон ССР телевидениесининг программаси. 16.45 — Абдилас Молдибоев номли қирғиз опера ва балет театри. 17.45 — Қирғиз халқ куйлари. 18.15 — Киносаёҳатчилар клуби. 19.15 — Халқаро обзор. 19.30 — Музикали киоск. 20.00 — Эрмитаж. 19-фильм. 20.30—Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 — Илмий-оммабоп программа. 21.30 — Время. 22.05 — Евдокия. Бадиий фильм.

ЎзТВ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Концерт. 11.30 — Сўз кетидан сўз келар. 11.50—Илмий-оммабоп программа. 12.20 — Надежда. Бадиий фильм. 13.55 — Шахмат мактаби. 14.25 — Л. Прокофьев. Гувоҳларсиз суҳбат. Телеспектакль премьераси. 15.45 — Реклама. 18.05—Болалар учун. Мен, сен ва мультик. 18.40 — До-ре-ми-фа-соль. 19.10 — Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш озиқ-овқат программасининг асоси. 19.30 — Ахборот. 19.45 —Баҳс. Ешлар учун кўрсатув. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05—Ишдаги ишқ. Бадиий фильм. 1-серия. 23.30 — Янгиликлар.

Тожикистон телевиденисининг программаси

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/III да Шошма, қуёш, 7III да Оқ танлилар (11, 15.00), Гурунг (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/III да Гулсара (15.30, 19.30), 7/III да Кулги кечаси.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА—6/III да Баланд дорга осилма, 7/III да Отасининг қизи.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ПАҲЛАВОН ВА ШЕР» аттракционининг хайрлашув гастроллари.

«Ташкентвино» комбинати коллективи комбинат бош инженери Ю. А. Қосимбековга ўғли ОИБЕКнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048; 325354 партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

Р. 01831 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. А. 1557.